

КИБР РАЗОЛАТДИР

Катта гуноҳлар рўйхатида шир-
кдан кейинги ўринда бўлган
кибр Аллоҳ таолога осийлик
қилиб, содир этилган бирин-
чи гуноҳдир.

Аллоҳ таоло марҳамат қила-
ди: “(Эй Муҳаммад) эсланг, биз

фаришталарга одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан улар саждага эгилдилар. Фақат иблис кибр ва ор қилиб, кофирлардан бўлди” (Бақара, 34).

Яна бир оятда: “**Сенга буюрганмда сажда қилишинга нима монелик қилди?**” У (Иблис) деди: “**Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан, уни (Одамни) эса лойдан яратдинг”** (Азроф, 12).

Иблис Аллоҳнинг биру борлигини ҳеч вақт инкор қилмаган. Унинг исёни Аллоҳ таолонинг амрига кибр қилганидандир. Энг ёмон гуноҳни содир этиб, тавба қилмасдан, қилмишини оқлашга ўтишидир.

Аллоҳ таоло кибрланишдан қайтаради: “**Ер юзида кибру ҳаво билан юрма. Албатта, сен зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан ва зинҳор бўйда тоғларга ега олмассан**”. Бошқа оятда эса: “**Одамлардан такабурларча юз ўғирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас!**” деган (Луқмон, 18).

Дарҳақиқат, ўйлаб кўриладиган бўлса, инсоннинг манманлик қилишига ҳеч бир сабаб йўқ. Бойлиги бўлса, у ҳам омонат, тушунган одам бойлик мартаба эмас, балки масъулият эканини англайди. Бойликка эришганида “ўзгариб” қоладиган киши у бир кун кўлидан кетишини ҳам ўйлаши керак. Эртга нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Бой бўлиб «ўзгариб» қолган кишиларнинг кўпи сингач, охи-оқибатда одамларга қўшилолма қолганига ҳаётда кўп гувоҳ бўлганмиз. Чунки бойликни Аллоҳ беради, хоҳласа, яна қайтариб олади. Ўлим бой билан камбағални ажратиб ўтирмайди.

Чирой ва қувват ҳам худди шундайдир. Ёш ўтиши, дард етиши билан кетиб қоладиган нарсалардир.

Имом Ҳофиз Шамсуддин Заҳабий “Ўзидаги кибрни йўқотиш ҳар бир инсонга фарзи айнди”, деганлар. Шунга кўра, кибрнинг давоси икки хил бўлади. 1. Кибрни умуман йўқотиш. Бу нарса илм билан бўлади. 2. Унинг кўринишларини йўқотиш. Бу натижага солиқ амаллар билан эришилади.

Абу Ҳурайрадан (розийаллоху анху) Имом Бухорий ривоят қилади: “Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтадилар: “Ходими билан овқатланган, бозорларда эшак минган, қўйни боғлаб ўзи соған

кишида кибр йўқдир”. Бу ҳадиси шариф кишиларни тавозели бўлишга ўргатади. Ходимларидан хабардор, уларни ўзига тенг кўришга чақиради. Бундай ўғитлар билан тарбия топган саҳобаи кромлар дастурхонларида ўзлари билан бирга бирор фақир мискин ўтирмагунича овқатланишмас экан.

Демак, ҳаммани тенг кўриш, тавозели бўлиш, овқатланганда хизматчилари билан бирга ўтириш, амали, илми, бойлиги каби ўткинчи афзалликларга кеккаймаслик кибрни қалбдан узоқлаштиради. Қалбни бу ғубордан пок сақлайди.

Манманлик, кибр ахлоқий разолатдир. Кишилар орасига айрилиқ ва душманлик солади. Манман киши камбағаллигини тан олмайди. Айбларини кўрмайди. Ўзини юқори санаб, қулоғи бойликдан бўлак нарсани эшитмай қолади. Манман насихатни эшитишни истамайди. Бу билан олимларнинг илмидан, фазилат аҳлининг фазлидан маҳрум бўлади. Натижада жаҳолат ботқоғига ботиб кетади.

Софий Раҳмон Муборакфурий “Ар-роҳикул махтум” номли китобида Пайғамбар (алайҳиссалом) сийратлари ҳақида ушбу ривоятни келтирган:

“Пайғамбар (алайҳиссалом) одамларнинг энг камтари эдилар. Мискин, камбағаллар билан бирга кўпроқ бўлардилар. Қулнинг чақирғига ҳам жавоб берардилар. Саҳобалари орасида уларнинг бирларидек ўтирар эдилар. Оиша (розийаллоху анҳо): “Пайғамбар (алайҳиссалом) ковушлари ва кийимларига ўзлари ямоқ солардилар, сизлар уйларингизда иш қилганингиздек, у зот ҳам ишлар эдилар. Ўзларини оддий тутар, кийимларини ўзлари тозалар, қўйни ўзлари соғар, ўзлари учун ўзлари хизмат қилар эдилар”, деганлар.

Мусулмон киши Пайғамбаримизнинг ўғитларига амал қилади, тавозели бўлади. Бировни мансаби, насаби ва бойлигига қараб эмас, амалига, эътиқодига қараб қадрлайди. Камбағалми, бойми, одамни одамдан ажратмайди. Ҳалол меҳнат билан ризқ топади. Шукр қилади. Зинҳор ўткинчи амал, чирой, бойлик, илм учун манмансирамайди. Ҳамиша камтар яшайди. Ана шунда у қадр топади. Кибрдек хунук иллатдан омонда бўлади.

**Раҳматуллоҳ
ҲАБИБУЛЛОҲ ўғли,
«Хўжа Аламбардор»
жомеъ масжиди
имом-хатиби**



МУЛОЙИМЛИК ФАЗИЛАТИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ

“Кечиримли бўлинг, яхшиликка буюринг ва нодонлардан юз ўгилинг”
(Аъроф, 199).

Анас (розийаллоху анху) айтадилар: «Расулulloх (соллаллоху алайхи ва саллам) билан бирга кетаётган эдим. У зот устларида жияги маҳкам нажроний чакмон бор эди. Бир аъробий етиб келиб, Расулulloхнинг (соллаллоху алайхи ва саллам) кийимларидан қаттиқ тортди. Шу қадар қаттиқ тортдики, у зот елкаларига чакмонлари жиягининг изи тушганини кўрдим. Сўнг аъробий: “Муҳаммад! Ҳузурингдаги моллардан менга беришсин, айт!” деди. У зот (соллаллоху алайхи ва саллам) унга кулиб қарадилар. Сўнг унга садақа бериб юборишларини буюрдилар» (Муттафақун алайх).

“Аллоҳ таоло меҳрибондир. Мулойимни яхши кўради. Шафқатсизга ва ундан бошқага бермаган нарсани мулойимга беради”
(Муслим ривояти).

“Ким мулойимликдан маҳрум бўлса, барча яхшиликдан маҳрум бўлади” (Муслим ривояти).

«Эй Парвардигор! Мени илм билан бой қил, ҳилм билан беза, тақво билан мукарам эт ва хотиржамлик билан гўзал қил»
(Ибн Нажжор ривояти).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуриддин ҲОШИМОВ
Анвар ҚУЧҚОР
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулхамид ТУРСУН
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК

Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ
Абдул Жалил ХУЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад МУҲАММАД
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Юлдуз КОМИЛ қизи
терди.

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jumali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2009 йил 4 мартда рухсат берилди.
Босмахонага 2009 йил 6 мартда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 33000. 166-сон буюртма. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди.

Қўлэмалар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин, келтирган иқтибослари ва рақамлари учун ўзлари масъул. Хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Ёмонликдан қайтариш	
Раҳматуллоҳ ҲАБИБУЛЛОҲ ўғли	
Кибр разолатдир	1
Таянч нуқта	
Мулойимлик фазилати	2
Ақида	
Мусожон БОБОЖОНОВ	
«Таносух» бор гапми	7
Қишлоқ тараққийети ва фаровонлиги йили	
Абдулҳамид ТУРСУН	
Деҳқончилик ҳаёт таянчи	8
ЎМИ ҳаёти	
Илёсхон АҲМАД	
Туркменистонлик меҳмонлар	9
Азизхон ҲАКИМ	
Али Оҳаний ташрифи	9
Мунаввар олам	
Толстой тўплаган ҳадислар	10
Аёллар бурчаги	
МУКАРРАМ	
Қайтар дунё	11
Долзарб мавзу	
Гулчеҳра МАТКАРИМОВА	
Инсон шаъни улуг	12
Тобеинлар ҳаёти	
Имоми Аъзам Абу Ҳанифа	14
Олисларга саёҳат	
Судан Республикаси	16
Огоҳлик	
Абдулла НОДИРОВ	
Миссионерлар мўлжали	18
Мовароуннаҳр уламлари	
Рустамжон ТОЖИБОЕВ	
Мавлавий Чўбинни биласизми?	23
Мактубларда манзаралар	
Бобониёз ҚУРБОН	
Нон азиз	25
Хотира	
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН	
Қўлёмалар билимдони	26
Ижтимоий ҳаёт	
Дилором СУЛАЙМОНОВА	
Асорати оғир касаллик	28
Шеърят	
Фозил ЗОҲИД	
Қариликда ҳикмат кўп	31
Тиббийёт бурчаги	
Абдулғафур Раззоқ БУХОРИЙ	
Қанд касаллиги	32

Тафсири

ЮСУФ СУРАСИ

4

Юсуфнинг (алайҳиссалом) ака-укалари, ўғрилик қилганларини қатъий рад этиб, жом кимнинг юкидан топилса, уни қул қилишни тасдиқлашгач, Биняминнинг юкидан подшоҳнинг жоми чиққанини кўришгач, хижолат бўлишиб: «Бинямин ўғирлаган бўлса, аввал акаси ҳам ўғрилик қилган эди», дейишди.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Қуръони каримнинг митти нусхаси

Яманнинг Сано шаҳри хаттотлари муқаддас Қуръони каримнинг дунёда энг кичик (қўлёмалар) нусхасини намоиш этишди. Китоб узунлиги бор-йўғи уч сантиметр.

20

Фикр

Бурҳонуддин МАРҒИНОНИЙ

Ҳ И Д О Я

Таҳоратни бузувчи нарсалар
ҳақидаги бўлим

24

«Туриб, ўтириб ё руку, сажда қилиб мизгиган кишига таҳорат вожиб эмас, таҳорат ёнбошлаб ухлаган кишига вожибдир».

Чунки ёнбошлаб ухласа, кишининг бўғинлари бўшашади.

Эҳтиром

Баҳодир КАРИМ

ДОНИШМАНД

Алишер Навоий чин маънода мутафаккир, улкан бир донишманддир. «Маҳбул кулуб» («Қалблар севгилиси») асарининг ўзиёқ бу қарашимизни тасдиқлайди. Зеро, инсон маънавий-руҳий оламидан баҳс этиб, абадиятга дахлдор сўз айтиш осон эмас.

30



ЮСУФ СУРАСИ*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

• قالوا إن بشرق فقد سرق أخ له من قبل فأسرها يوسف في نقيب ولم يجيبها لهم قال
 أشتره من مكائنا والله أعلم بما تصفون ﴿٧٧﴾ قالوا تأليها العزيز إن له أبا شيكا كبيرا فلخذ
 أخذنا مكائنا إننا نرىك من المشبهين ﴿٧٨﴾ قال تعاف الله أن تأخذ إلا من وجدنا
 متعنا عدوه إننا إذا لطبطون ﴿٧٩﴾ فلما استئذنا منه خلصنا نجا قال كبرهم ألم
 تعلموا أن أباكم قد أخذ عليكم مؤثقا من الله ومن قبل ما قرطت في يوسف قلن أترخ
 الأرض حتى يأذن لي أبى أو يحكم الله لي وهو خير الحاكمين ﴿٨٠﴾ أرجعوا إلى أبيكم فقولوا
 تأبانا إن أباك سرق وما شهدنا إلا بما علمنا وما كنا للغيب محيطين ﴿٨١﴾ وشغل
 القرية أبا حنا بها والوز التي أبقنا بها ﴿٨٢﴾ وإننا لصمدقون ﴿٨٣﴾ قال بل سؤلت لكم
 أنفسكم أمرا فصبر جميل عسى الله أن يأتيني بهد خيرا إنه هو العليم الحكيم ﴿٨٤﴾
 وتولى عنهم وقال يا أسفى على يوسف وابيضت عيناه من الحزن فهو كظيم ﴿٨٥﴾ قالوا تالله
 لقد فؤا نذكر يوسف حتى نكون خزما أو نكون من الهالكين ﴿٨٦﴾ قال إنما أشكوا
 بني وحزن إلى الله وأعلم من الله ما لا تعلمون ﴿٨٧﴾ تبني ألقبوا فتحسبوا من يوسف
 وأبيه ولا تابسوا من نوح الله إنه لا ياتس من نوح الله إلا القوم الكفرون ﴿٨٨﴾

77. Улар дейишди: “Агар у ўғирланган бўлса, олдин унинг акаси ўғрилиқ қилган”. Юсуф уни ичида сақлади, уларга билдирмади. У деди: “Мавқеда сизлар ёмонсиз. Аллоҳ сизлар айтаётган нарсани билади”.

78. Улар дейишди: “Эй Азиз! Унинг ёши улуғ отаси бор. Унинг ўрнига биримизни олиб қолинг. Биз сизни яхшилиқ қилувчилардан ҳисоблаймиз”.

79. У деди: “Нарсамизни кимда топиб олган бўлсак, ундан ўзгани олиб



қолишдан Аллоҳ сақласин. Биз унда золим бўламиз”.

80. Ундан умид узишгач, маслаҳатлашиб ёлғиз қолишди. Катталари деди: “Билмайсизларми, отангиз сизлардан Аллоҳга қасам билан ваъда олган, илгари Юсуфга бепарволик қилгансиз! Отам менга изн бермагунича ёки Аллоҳ менга ҳукм қилмагунича бу ердан асло жилмайман. У ҳукм қилгучиларнинг одилидир.

81. Сизлар оталарингиз ҳузурига қайтинглар ва: “Ота! Ўғлингиз ўғрилиқ қилди. Фақат билганимизни айтдик. Файбни билмас эдик.

82. Биз бўлган шаҳардан ва биз бирга келган карвондан сўранг. Биз рост айт- япмиз”, денглар...

83. У деди: “Йўқ! Нафсингиз сиз-

ларга бир ишни яхши кўрсатган. Энди чиройли сабрдир. Шояд Аллоҳ уларнинг ҳаммасини менги қайтарса. У илм ва ҳикмат эгасидир”.

84. Улардан юз ўғирди ва деди: “Юсуфга қайғураман!” Фамдан унинг кўзлари оқарди. У ғазабга тўла эди.

85. Улар дейишди: “Аллоҳ номига қасам, жисму ақлингиз айнигунича ё ўлгунингизча Юсуфни эслайверасиз”.

86. У деди: “Мен қайғумни ва ҳасратимни Аллоҳга айтаман ва сизлар билмайдиган нарсани Аллоҳдан биламан.

87. Ўғилларим! Боринглар. Юсуф ва унинг укасини суриштиринглар. Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманглар. Аллоҳнинг раҳматидан фақат ишонмаган кишилар умидсиз бўлади”.

Тафсири ва баёни

Юсуфнинг (алайҳиссалом) ака-укалари, ўғрилиқ қилганларини қатъий рад этиб, жом кимнинг юкидан топилса, уни қул қилишни тасдиқлашгач, Биняминнинг юкидан подшоҳнинг жоми чиққанини кўришгач, хижолат бўлиб: “Бинямин ўғирлаган бўлса, ундан аввал акаси ўғрилиқ қилган», дейишди.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) қилган марфуъ ривоятда бундай дейилган: “Юсуф (алайҳиссалом) оналарининг отасига тегишли тилла ва кумушдан ясалган бутни яширинча олган ва уни синдириб йўлга ташлаган эдилар”. Улар ана шу воқеани назарда тутишган.

Юсуф (алайҳиссалом) уларнинг қоралашларини тушундилар ва ранжидилар. Лекин сездирмадилар. Сўзларига жавобни ичларида сақладилар. Очиқ жавоб берганларида бундай деган бўлардилар: “Мавқеда сизлар ёмонсизлар. Сизлар унинг акаси ҳақида айтётганингизни Аллоҳ билади”.

Улар оталари Якубга (алайҳиссалом) берган ваъдалари устидан чиқиш умидида укаларини кутқариб олиш ё ўрнига тавон тўлашга уринишдан бошқа чора қолмагач, кекса ота ҳақидаги сўз билан Юсуфнинг (алайҳиссалом) қалбини юмшатишга интилиб, бундай дейишди:

“Эй Азиз! Унинг ёши улуғ отаси бор, унга қаттиқ боғланиб қолган. Йўқотган ўғли ўрнига

у билан овунади. Оталарига раҳм қилсангиз. Унинг ўрнига бирортамизни олиб қолинг. Биз сизнинг олижаноблигингизни, яхшилик қилиш хислатингиз эканини кўрдик, сизни яхшилик қилувчилардан ҳисоблаймиз”.

Юсуф (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло унга муваффақ қилган тадбирни бузиб укаларини қўлларида чикариб юборишлари мумкин эмас эди. Шунинг учун уларнинг раҳмшафқатни қўзғашлари уни юмшатмади,



уларга кескин рад жавобини бердилар: “Кимда молимизни топиб олган бўлсак, ундан ўзгани олиб қолиб ўзимизга зулм қилишдан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Унинг айби туфайли бошқани жазоласак, айбсизни айб қилган ўрнига жазолаб зулм қилганлар қаторида бўлиб қоламиз».

Уларнинг истаклари қабул бўлмади умидлари узилгач, одамлардан четга чиқиб, ўзаро маслаҳатлашишди. Фикр билдириш навбати уларга йўл-йўриқ кўрсатадиган катталарига етгач, у бундай деди: “Оталарингизга ўғлингизни қайтариб олиб келамиз, деб қасам билан берган ваъдангизни, олдин Юсуфни (алайҳиссалом) асраймиз деб ишонтириб, сўнг уни ҳалок қилганингизни унутмаслигингиз керак. Шунинг учун мен Мисрда қоламан, ҳеч қаерга жилмайман. Фақат, отам ҳақиқий аҳволни тушунганларидан сўнг ҳузурларига қайтишимга ижозат берсалар ёки Аллоҳ таоло ўз марҳамати билан бирор сабаб туфайли хурсандчилик билан қайтишимни ҳукм – ирода қилса, қайтаман. Аллоҳ таоло ҳукм қилувчиларнинг одилидир.

Сизлар оталарингиз ҳузурига қайтинглар ва бўлган воқеани айтиб, бундай денглар: “Ўғлингиз подшоҳнинг жомини ўғирлаб олди. Жом унинг юкидан топилди. Шунинг учун жазоланди: кул қилиб олиб қолинди. Биз сизга фақат кўрганимизни айтдик. Биз сиздан уни ўзимиз билан бирга олиб кетишни сўраганимизда ва уни омон-эсон қайтариб келишимиз ҳақида қасам билан ваъда берганимизда ғайбни, Аллоҳ таолонинг қазосини, билмаган эдик. Биз сизга етказган хабарга шубҳа қилсангиз, бир кишини юборинг, Миср аҳлидан сўрасин, ўзингиз карвонда бирга

қайтганимиз йўлдошларимиздан сўранг, бизнинг айбсизлигимиз сизга очиқ бўлади. Биз рост айтганимизга ишонасиз”.

Қолган ака-укалар оталари Яъқуб (алайҳиссалом) ҳузурларига қайтиб келишиб, унга бўлган воқеани акалари маслаҳат берган тарзда етказишди. Бу хабар унинг қайғусини янгилади. Иккинчи ўғлини йўқотиши қайғусини ошириб юборди. Олдин уларнинг Юсуфга (алайҳиссалом) қилган ишларидан қаттиқ озорланган Яъқуб (алайҳиссалом) Биньяминни йўқолишида улар айбсиз эканларига ишонмадилар. Ва уларни очиқ айблаб, бундай дедилар: “Ўғлимни ҳимоя қилиш ҳақидаги ниятингиз тўғри бўлмаган. Унинг акасидан қутилганингиздай, ундан қутилишни нафсингиз яхши кўрсатган. Ўғрилиқ қилганни ўғрилиги учун жазоси кул қилиш экани ҳақидаги ҳукми айтмаганингизда Азиз ўғлимни олиб қолмаган, катта акангиз Мисрда қолиб кетмаган бўлар эди. Аллоҳ таолодан ҳамма фарзандларимни қайтаришини умид қилиб бу мусибатимга чиройли сабр қилишимдан бошқа чорам йўқ. Менинг ҳолимининг ва уларнинг ҳолининг ҳақиқатини Аллоҳ таоло билади. У илм ва ҳикмат Эгасидир”.

Яъқуб (алайҳиссалом) уларнинг гапларидан сиқилдилар. Улардан четлашиб, ёлғиз қолдилар. Юсуфни (алайҳиссалом) йўқотганларига ғамгин бўлдилар. Қайғуларининг қаттиқлигидан кўзларига оқ тушди. Ҳазабларини ичларига ютдилар. Бирор кишига ҳасратларини айтмай қўйдилар. Мусибат ва қийинчилик пайтларида қайғуриш инсонга хос ҳолатдир. Қайғу, агар сабр ва босиқлик билан бўлса, динимизда қораланмайди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғиллари Иброҳим оламдан ўтганида йиғлаганлар ва бундай деганлар: “Кўз ёш тўқади. Қалб кўрқади. Роббимизни рози қиладиган нарсанигина айтмиз. Иброҳим, биз сендан ажралганимизга қайғудамиз” (Имом Бухорий ва Муслим).

Мусибатга дод-фарёд солиш, овоз чиқариб йиғлаш, кўкрак ва юзга уриш, кийимларни йиртиш билан қайғуриш динимизда қораланади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизларидан бирининг фарзанди вафот этганида, кўп кўзёши тўқдилар. Шунда у зотга: “Аллоҳнинг расули! Бизни йиғлашдан қайтариб, ўзингиз йиғлаяпсиз?!” дейишди. Уларга у зот: “Мен сизларни йиғлашдан қайтарганим йўқ. Икки маъносиз товуш чиқаришдан – қувонган пайтда ва қайғурган пайтида товуш чиқаришдан қайтарганман”, дедилар.



Кунлар ўтди. Яъқуб (алайҳиссалом) қайғулари енгиллашмади, кун сайин ошди. Фарзандлари оталари аҳволининг оқибатидан кўрқиб, қайғуларини унутишга ундаш учун ҳузурларига боришди. “Қайғудан ўзингизни халос қилмасангиз, Юсуфнинг (алайҳиссалом) ёди дарду аламингизни ошириб юборади. Фам сизни букади ё ўлиб қоласиз”, дейишди. Уларнинг бу гапи оталарига таъсир қилмади. Яъқуб (алайҳиссалом) уларга бундай жавоб қайтардилар: “Мен сизга шикоят қилганим йўқ. Қайғумни енгиллатишни сиздан сўрамадим. Аллоҳ таолодан ўзга топинчим йўқ. Унга ёлвораман. Қайғу-ҳасратимни Аллоҳ таолога айтаман. Аллоҳ таоло қазосининг ҳикматидан ва раҳматининг кенглигидан мен билган нарсани сизлар билмайсиз”.

Аллоҳ таолога имон умидни жонлантиради. Шу боис ҳам Яъқубнинг (алайҳиссалом) икки фарзандининг қайтиб келишига ишончларини йўқотмади. Икковларининг тириклиги ва учрашиш фурсати яқинлигини кўнгиллари сезди. Шунинг учун фарзандларига у иккисини қидириб топишни буюриб: “Ўғилларим, Мисрга қайтиб боринглар ва катта акангизга қўшилиб Юсуф ва укасини одамларга сездирмай изланглар. Аллоҳ таоло у иккисини бизга қайтариб бериб раҳм қилишидан умидларингни узманглар. Аллоҳ таолонинг раҳматидан фақат ишонмаган кишилар умидсиз бўлади”, дедилар.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН,
Анвар АҲМАД
тайёрлашди

“ТАНОСУХ” БОР ГАПМИ?

Сув соҳаси муҳандиси бўлиб ишлайдиган дўстим билан яқинда учрашиб қолдик. У тирикчилик баҳонасида ярим йилча Масковда ишлаб келибди. Сухбатимиз асносида дўстим Россия телеканалларидан бирида кўрсатилган воқеани ҳаяжонланиб сўзлади. Эмишки, Масковда яшайдиган етти ёшли қизча бундан ўн олти йил муқаддам эр киши бўлганини, ҳатто қаерда яшаганини ота-онасига маълум қилганимиш. Ота-она телевидение ходимлари билан қизча айтган жойга боришса, ўша марҳумнинг аёли ва болалари қиз айтаётган барча гапларни тасдиқлашибди.

Дўстим ҳикоясига бепарволик билан мийиғимда жилмайиб турганимни кўриб, алдамаётганини исботлашга тушди: Россияда бир телеканал йигирма тўрт соат шунақа воқеаларни кўрсатар эмиш, матбуотда ҳам бу ҳақда кўп ёзилаётган эмиш. Унинг сўзлари бемаъ依ликдан ўзгаси бўлмагани учун индамай қўл силтаб ҳам кетишим мумкин эди. Аммо олий маълумотли зиёли кишининг бу чўпчакларга ишониб юргани мени сергаклантирди. Қолаверса, юртимиздаги айрим матбуот нашрларида ҳам бундай «воқеа»лар тез-тез шов-шув тарзида эълон қилинаётгани туфайли эътиқоди суст кишилар ҳақдан озишлари мумкинлигини ўйлаб, бу «ҳодиса» ҳақида баъзи билганларимни ўртоқлашим келди.

Бу назария илм-фан тилида «реаникарнатсия» дейилади. Араб тилида «таносух, тажассум» деб аталиб, бу атама ўлимдан сўнг руҳнинг бир танадан чиқиб, бошқа бир жасадга кўчиши ҳақидаги асосиз назарияга нисбатан ишлатилади. Ўтмишда ғайбий ҳодисаларга ақли етмаган жоҳил кимсалар, ақидаси бузуқ қавмлар (масалан, баъзи равофизлар) ана шундай тушунчада бўлишган.

Улар эътиқоди шундай: инсон руҳлари фаришталардан жаннатни тортиб олмоқчи бўлиб,

улар билан тортишганида Аллоҳ уларни ерга туширган ва уларни ер ютган. Аллоҳ таоло ердан бир қабза ва баъзи руҳларни олиб, Одамни (алайҳиссалом) яратган. Қолган руҳлар ердан ўт-ўлан ва дарахтлар билан ўсиб чиқади. Уларнинг ўсиши руҳ таъсирида бўлади. Қайси бир руҳнинг гуноҳи кечирилган бўлса, унинг таъсирида ўсган ўт ё дарахт мевасини инсон ейди ва у инсон руҳига қўшилади. Гуноҳи кечирилмаган бўлса, уни ҳайвон ва қушлар ейди ва яна ерга қайтади, шу ҳолида айланиб юради. Агар гуноҳ қилса, у ўлгач, руҳи ит ё тўнғиз ёки кофир жасадига ўтади ва азобланади. Оқибатда барча руҳлар қилган гуноҳидан покланиб, Парвардигорга қайтади.

Бундай гаплар ботил, бундай эътиқод кишини куфрга олиб боради (Аллоҳ сақласин). Минг афсуски, ҳозир динимиз таълимотларидан беҳабар айрим кишилар ана шундай таги йўқ гапларга ишониб юришибди. Баъзи матбуот нашрлари руҳларнинг инсонга ёки жонзотларга кўчиши ҳақидаги шов-шувли хабарларни чоп этиб, уларни чалғитишга сабабчи бўлишмоқда.

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, ҳар бир жасаднинг алоҳида руҳи бор. Ҳар бир жасад ўз руҳи билан қиёматда қайта тирилади ва ҳисобга тортилади. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) **сиздан руҳ-жон ҳақида сўрашди, айтинг: “Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир”** (Исро, 85);

«Улар (жаннатда) **биринчи ўлимдан** (яъни дунё ҳаётидан кўз юмганларидан) **бошқа ўлимни тотмаслар.** (Аллоҳ) **уларни дўзах азобидан сақлагандир»** (Духон, 56).

Мусожон БОБОЖОНОВ,
*Халқаро Амир Темур хайрия
жамғармаси Андижон вилояти
бўлими раиси*

ДЕҲҚОНЧИЛИК ҲАЁТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги қишлоқларда яшайди. Мустақиллик шарофати билан қишлоқларимиз қиёфаси тобора гўзаллашиб бормоқда. Қишлоқ аҳли Ватанимиз бойлигига бойлик қўшиш ва халқимиз дастурхонини ноз-неъмат билан тўлдириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Уларнинг шарафли меҳнатлари билан етиштирилган маҳсулот тобора ортиб бормоқда.

Деҳқончилик ҳаёт таянчи ва устунидир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматларини деҳқончилик қилишга алоҳида қизиқтирганлар. У зот бу ҳақда марҳамат этиб бундай деганлар: «Бирон-бир мусулмон бир дарахт ўтқазса ёки бир ўсимлик экса, ундан қушлар ёки инсонлар еса, унинг эҳсони бўлади» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ривоят қилинишича, бир киши улуғ саҳобий Абу Дардо (Аллоҳ рози бўлсин) олдиларидан ўтиб бораётса, у зот ёнғоқ кўчати экаётган эканлар. У киши Абу Дардога қараб: «Улуғ ёшга кирган бўлсангиз ҳам кўчат экасизми, ахир бу фалон йилдан сўнг мевага киради-ку», деди. Абу Дардо унга жавобан: «Менга савоби етса бўлди, мевасини

бошқалар истеъмол қилаверсин», деган эканлар.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

“Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар эса, (билиб қўйсинлар), албатта, Биз яхши амаллар қилган кишининг мукофотини зое қилмасмиз” (*Каҳф, 30*).

Ҳар бир мўмин икки дунё саодатига эришиш учун Аллоҳ рози бўладиган амалларни бажаришга, Уни норози қиладиган ишлардан узоқ бўлишга ва тийилишга ҳаракат қилади. Зеро, у инсоният бахт-саодати йўлида ҳаракат ва эзгулик қилишга даъват этилгандир.

“Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама! Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас” (*Қасас, 77*).

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат этганлар: “Мўминлар ўзаро бир-бирларига дўстлик, эзгулик ва меҳрибонлик кўрсатишида бир аъзо бетоб бўлганида ҳамма аъзо бедор ва нотинч бўладиган гавдага ўхшайдилар” (*Аҳмад ва Муслим ривояти*).

Барчамиз ўзаро ҳамжиҳат, иноқ бўлиб, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги борасида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишимиз лозим. Узоқ ва яқин қишлоқ-овулларда яшаб меҳнат қилаётган биродарларимизга эзгу ва савобли вазифаларини адо этишларига кўмакчи бўлишимиз, Аллоҳ таолодан уларга мадад беришини сўраб дуо қилишимиз керак. Каломи шарифда бундай марҳамат қилинган:

“...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир!” (*Моид, 2*).

“Айтинг: “Ишлангиз! Албатта, Аллоҳ, Расули ва мўминлар ишларингизни кўражаклар. Шунингдек, албатта, ғойиб ва ошкора (ишлар)ни билувчи (зот) хузурига қайтарилурсиз. Бас, (ўшанда) сизларга қилган ишларингиз хабарини берур” (*Тавба, 105*).

Мамлакатимиз янада обод ва гўзал бўлиши йўлида фидоко-рона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни Аллоҳ таоло тинч-омон айласин, икки дунё саодати йўлида олиб бораётган ишларига баракалар ато этсин.

Абдулҳамид ТУРСУНОВ,
ЎМИ Фатво бўлими мудири





Туркменистонлик меҳмонлар

Феврал ойининг ўн иккинчи куни Туркменистон Савдо ва ташқи иқтисодий ишлар вазири Накиргули Атагулиев бошчилигидаги меҳмонлар «Ҳазрати Имом» мажмуасини зиёрат қилишди.

Меҳмонларни мажмуа билан таништирган ЎМИ кутубхонаси мудирини Обиддин Элтоев 2007 йил Тошкент шаҳрига «Ислоҳ маданияти пойтахти» мақоми берилгани муносабати билан бу ерда қисқа муддатда қилинган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Шундан сўнг туркменистонлик меҳмонлар «Мўйи муборак» мадраса-музейида сақланаётган Ҳазрати Усмон муҳаффини кўришди, унинг тарихидан хабардор бўлишди.

Илёсхон АҲМАД

Энг мурувватли кўшни

Мусулмон киши кўшниси олдидаги ҳақларини яхши адо этади. Муҳим палларда унинг ёнида туради, ҳамдард, ҳамфикр бўлади. Қўлидан келганича ёрдами аямайди. Бундай бурчларни ёшларга ўргатиш, катта-кичикнинг онгига сингдириш ҳам мусулмонликдандир.

9 феврал куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасига йиғилган мутасадди ташкилот вакиллари, дин ва маърифат аҳли шу хусусда маслаҳатлашишди. Йиғинда «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида «Кўшни кўшнига» меҳр-муруват кунларини ўтказишга қарор қилинди. Шу ниятда юртимиз бўйлаб «Энг мурувватли кўшни» танлови ўтказилди. Танловнинг биринчи босқичи 21 март – Наврўз умумхалқ байрами, иккинчи босқичи Рамазон ҳайити арафасида яқунланади. Ташкилотчи ва ҳомийлар ҳар бир юртдошимизни бу саховат ва яхшилик мусобақасига қатнашишга чақиради.

Маънавиятимизнинг икки дарғаси

Шу йилнинг 11 феврал куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Тошкент Ислоҳ институтини талабалари иштирокида мумтоз адабиётимизнинг икки улуғ вакили Алишер Навоий билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган адабий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда адабиётшунос олимлар Омо-

нуллоҳ Мадаев ва Абдуллоҳ Мурод Тилав Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг миллатимиз тараққиёти, тил ривожини ва дин раънақини йўлидаги хизматларини ёрқин ижодлари мисолида шарҳлаб беришди. Учрашув сўнгида устозлар талабаларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб беришди.

Мухбиримиз



Али Оҳаний ташрифи

Шу йилнинг 24 феврал куни Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган Эрон Ислоҳ Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Али Оҳаний «Ҳазрати Имом» мажмуасида бўлди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасининг «Мўйи муборак» музейида сақланаётган Ҳазрати Усмон муҳаффини зиёрат қилди.

Азизхон ҲАКИМ

Ишчанлик руҳида ўтди

Февралнинг йигирма бешинчи куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлган йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси ва ЎМИ фаолиятини янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини йилида режалаштирилган янги ишлар кўлами муҳокама қилинди. Жумладан, юртдошларимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқларда масжидларнинг шароитини яхшилаш, жонкуяр, ўқимишли имом-хатиблар билан таъминлашга эътибор қаратилди. Баъзи ёшлар миссионерларнинг ғаразли ваъдаларига учиб, нотўғри йўлларга кириб қолаётгани сир эмас. Бунинг олдини олиш учун ҳам масжидлар қишлоқ аҳлининг дарду қувончларига шерик бўлиши лозим. Шунга кўра, марказлардагина эмас, жойларда ҳам тушунтириш, тарғибот ишларини кучайтириш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда ёшлар тарбиясида оила, мактаб ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни жонлантириш кераклигини алоҳида таъкидланди.

Мухбиримиз





ТОЛСТОЙ ТЎПЛАГАН ҲАДИСЛАР

Ўтган йили Санкт-Петербургдаги «Диля» нашриёти «Изречения Магомета, избранные Л.Н. Толстым» («Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) Л.Н. Толстой танлаган ҳадислари») китоби 1910 йилги (Москва, «Посредник» нашр., Вилде босмаҳонаси) нашрини репринт усулида қайта чоп этди. Китоб икки хусусиятига кўра жуда ноёб: биринчидан, атоқли рус ёзувчиси Лев Толстойнинг Исломга хайрхоҳлиги ҳақида кўп ёзилган бўлса-да, унинг Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳадисларини тўплагани ҳақида маълумот йўқ эди; иккинчидан, рисола бундан юз йил олдин оз нухада чиққан, аммо чор ҳукумати ҳам, советлар ҳам уни қайта нашр этишга йўл бермаган. Ноширларнинг китоб муқовасида «Бу ҳақда сукутни афзал

кўришган», деб ёзиб қўйишгани шундан.

Улуғ рус ёзувчисининг Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳадисларини танлаб, китоб ҳолида нашр эттиришига нима туртки бўлган эди? Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида яшовчи мусулмон олими, фалсафа доктори, адлия ходими ва «The Light of the World» журнали ношири Абдуллоҳ Маъмун Сухравардий 1907 йилнинг 31 октябрида Лев Толстойга мактуб ёзиб, унга ўзининг «The Sayings of Mohammed» (Муҳаммад ҳадислари) рисоласини ҳам қўшиб жўнатади. Толстой кундалигида бу «қизиқарли китобни» 11 ноябр куни ўқиганини қайд этади.

Ўша йилнинг 20 ноябрида Сухравардийга жавоб хатида улуғ ёзувчи бундай ёзади: «Бу китобни кўриб чиқдим ва ун-

дан «Мутолаа давраси» китобининг иккинчи нашрида фойдаланмоқчиман. Унга Пайғамбарингизнинг ғоятда чуқур мазмунли ва диний ҳикматларидан анчасини киритдим...». Мазкур тўпламга кирган ўн тўққизта ҳадисни ёзувчи «Ҳар кун учун» китобида ҳам келтирган.

Китоб бошланишида «Н.Г.» тахаллусли кишининг «Муҳаммад ким бўлган?» сарлавҳали сўзбошиси (Лев Толстой таҳрири остида) берилган. Унда, жумладан, қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Муҳаммад (алайҳиссалом) ер юзида 200 миллион киши (XX аср бошлари — Таҳр.) эътиқод қилаётган мусулмон динининг Пайғамбаридир. Муҳаммад милодий 570 йили Арабистонда туғилган. У унча бой бўлмаган кишиларнинг фарзанди эди ва ёшлиги-





ҚАЙТАР ДУНЁ

да чўпонлик ҳам қилган. Унинг замонида араблар кўп илоҳларга сиғинишар, уларни мамнун қилиш учун баъзи маросимларни бажаришар, уларга қурбонликлар аташар эди. Муҳаммад улғайгани сайин бу эътиқоднинг ёлғонлигини аниқ кўрар, фақат бир Тангри бор ва У барча махлуқлар устидан ҳукм юрилади, деб ишонар эди. Муҳаммад бунга қаттиқ ишонибгина қолмай, барча ватандошларининг ҳам бунга имон келтиришини истарди...

Аллоҳ ягонадир, шунинг учун турли илоҳларга сиғиниб бўлмайди, Аллоҳ меҳрибон ва раҳмли, кишининг тақдири фақат Унга боғлиқ; агар инсон Аллоҳнинг амр-фармонларини бажарса, охират дунёсида бунга мукофот олади, бажармаса, жазоланади...

Ер юзидаги ҳамма нарса ўткинчидир, пайдо бўлади ва бир куни йўқликка кетади, фақат Аллоҳгина абадийдир. Аллоҳ одамлардан Ўзига ва атрофдагиларга муҳаббатни талаб этади: Аллоҳга муҳаббат тоатибодат билан, яқинларга муҳаббат эса уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёрдам бериш ва кечириб билан бўлади...».

Рисолада ҳиндистонлик ҳадис китоби тузувчиси Сухравардийнинг сўзбошисидан парча ҳам келтирилган.

Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади

Раҳматли қайнонам “Хизмат этган хизмат кўрур” деган нақлни такрор-такрор айтар эдилар. Ёшлигимга бориб, унинг маънисини чақмасдим. Қайнона-келин ўртасида ўзаро келишмовчилик бўлиб туриши табиий, аммо уни жанжалга ёхуд фожиага айлантириб юбормаслик қайнонанинг ёки келиннинг зукколигига боғлиқ.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Жиянимдан эримнинг чойхонада эканини эшитиб қолдим. Менга эса, тезда келишларини ва бирга ойимникига боришимизни ваъда қилган эдилар. Жаҳлим чиқди. Шу маҳал қайнонам қўйнинг калла-пачаларини кўтариб келиб қолдилар. Алам зўридан қўлларидоги сумкани ҳам олмай, индамай уйга кириб ётиб олдим. Алламаҳалгача қайнонам ҳовлида куймаланиб юрдилар. Дарвоза очилганини, эрим келиб, мени сўроқлаганини, қайнонам эса уларни овутиб овқатга чақирганларини — ҳамма-ҳаммасини эшитдим.

— Ойи, шунча ишни ўзингиз қилдингизми? Қани келингиз? Нега сиз ўчоқ бошида куймаланиб юрибсиз?

— Ҳозир уйга кириб кетди. Каллани тозалади, куйдирди, пиширди. Чарчади-да, болам, у ҳам бировнинг боласи. Ҳозир ёнига кирма, жаҳлинг чиқиб турибди, кел, ёнимга жой қилиб бераман, эргалаб келин турғазади, чой дамлаб беради, қолган ишларни ўзи саранжом-сарийшта қилади.

Қайнонам билан хўжайнимнинг суҳбатлари шундоққина эшитилиб турарди. Билиб туриб ойим қаттиқ-қаттиқ сўзлардилар. Тўғриси, уятдан юзим қизариб кетди. Ўша тун ухлаёлмай чиқдим.

Тонг ғира-ширасида туриб ҳовлиларни супуриб-сидирдим. Ойим айтганларидек, қолган ишларни ўзим саранжомладим.

Нонушта тайёрлаб, ойим билан эримни уйғотдим. Икковларига ҳам салом бердим, аммо ойимнинг юзларига қарай олмадим...

Вақтлар ўтиб, ўзим ҳам қайнона бўлдим. Қайнонангизга қилган яхши ишингиз ҳам, ёмон ишингиз ҳам ўзингизга бир кун қайтаркан. Қиш ғамини еб ёз иссиғида бозорга тушдим. Памилдори, булғор, қалампир, ошқўки ва яна бир қанча нарсаларни сотиб олдим. Терлаб-пишиб уйга зўрға кўтариб келдим. Келинларни чақирдим. Бирови ҳам овоз бермади. Жаҳлим чиқди. Ҳозироқ уйга кириб, икковининг ҳам адабини бераман, дедим. Аммо сал вақт ўтгач, ўзимни босиб олдим. Уларни яна чақирдим, ҳеч бирови овоз бермади. Ўзим олиб келган нарсаларимни ювдим, тозаладим, эзилганларини қовурдим, бутунларини банкаларга жойлай бошладим. Шу маҳал катта ўғлим келиб қолди. Ёлғиз куймаланиб юрганганимни кўриб: “Келинларингиз қани?..” деб бақира бошлади. Раҳматли қайнонамнинг тутими ёдимга тушди. Мен ҳам шу йўлни тутиб: “Аёлингиз ҳозир ойисиникига чиқарувдим, укангники боласи йиғлаб қолувди, уйга киргизиб юбордим...” дедим.

Ўғлим жаҳлдан тушди ва: “Келинларингиз келгунича ўзим сизга қарашаман”, деб қолди. Ҳовлида она-болани кўрган келинлар югургилаб келишди. Ишларни қўлимиздан олишди. Беихтиёр кўзимга ёш келди. Қайнонамнинг ниҳоятда зукко ва меҳрибон она бўлганларини шунда ҳис қилдим. Бировнинг боласи деб менинг аҳмоқона қилиқларимни эримдан яшириб, чиройли услубда сабоқ берган эканлар Шу боис ҳам рўзғорда на жанжал, на маҳалла-кўйда гап-сўз чиқди...

Мукаррам,
Тошкент шахри





кага алдов йўли билан олиб кетилган. Ўз навбатида ушбу қитъалардан аёллар Оврупага сотилган. “Оқ куллик” номини олган бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1904 ва 1910 йиллари йиғинлар ўтказилиб, “Оқ танли куллар савдосига қарши кураш” Бутунжаҳон шартномаси (Париж, 1910 йил 4 май) қабул қилинади.

Тана рангидан қатъи назар, ҳеч қандай инсон қул қилиниши мумкин эмаслиги илк бор 1926 йилги битимда эътироф этилди. Ушбу битимда ҳар бир давлат қонунларида бундай жиноятларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш, бу йўлда халқаро ҳамкорликни кучайтириш кўрсатилган. Гарчи шу каби қонунлар қабул қилинган бўлса-да, ҳамон инсон савдоси давом этяпти.

БМТ маълумотларига кўра, баъзи давлатларда одам савдоси

лари олиб ўтилган. Эркаклар мажбурий меҳнатга ёлланиб, Украина, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатларига сотиб юборилган.

– **Одам савдоси қурбонлари чеккан азиятлар, уларнинг энг оддий ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати поймол этилиши, чидаб бўлмас ҳаёт шароитлари, турли касалликлар Аллоҳ таоло томонидан берилган улуғ неъмат — яшаш ҳуқуқини хавф остига қўяди.**

– Аниқланишича, одамларни алдов йўли билан ёхуд мажбурлаб ўғирлашади. Улар ҳеч қандай ҳуқуқсиз ҳолатда чегарадан ўтишади. Текинга ёки арзимас сариқ чақага ишлашади. Ҳаётларига ҳеч қандай кафилик йўқ. Бошпанасиз, соғлиқ учун зарарли жойларда яшашади. Бўйсунмаганларга тан жароҳати етказилади, азоб берилади.

ИНСОН ШАЪНИ УЛУҒ

Ҳозирги кунда дунё миқёсида кўп яхшиликлар қаторида қатор муаммолар ҳам бор. Гиёҳвандлик, кўпоровчилик, одам савдоси каби иллатлар шулар жумласидандир. Аллоҳ таоло азиз ва мукаррам қилиб яратган одамни аёл демай, бола демай, ўзга давлатларга қул каби сотиб юборилиши ҳоллари бугун бизнинг халқимизни ҳам катта ташвишга солган. Бундай аянчли воқеълик миллат келажакига, кишилар сиҳат-саломатлиги ва маънавиятига, бир сўз билан айтсак, фитратига таъжовузидир. Ҳўш, одам савдосининг келиб чиқиши сабаблари, аянчли оқибатлари нималарда кўринади, унга қарши қандай курашиши керак? Ҳуқуқишунослик фанлари доктори, профессор Гулчехра МАТКАРИМОВА билан шу хусусда суҳбатлашдик.

– Ёруғ оламга келган ҳар бир инсон озод яшаш ва ишлашга ҳақли. XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб аёллар Оврупадан Америка ва Шимолий Афри-

авжига чиққанлиги, қарз эвазига одамларни қулга айлантириш, мажбурий ишлаб беришга тортиш ёки сотиб юбориш ҳолатлари кузатилади.

Одам савдоси ҳамдўстлик давлатларида ҳам кенг тарқалган. Халқаро ташкилотлар ҳисоботида кўра, Россияда беш миллион ноқонуний муҳожирдан йигирма фоизи мажбурий ишлаб беришга маҳқум. Бундан ташқари, бу мамлакат бузуқ мақсадларда эркак, аёл ва болаларни етказиб берадиган, чегаралари орқали ўтказадиган бекатга айланиб қолди.

Ачинарлиси, бундай кўргиликлар айрим юртдошларимизнинг ҳам бошига тушяпти. Қўлимиздаги маълумотларга кўра, Ўзбекистондан Бирлашган Араб Амирликларига, Исроил, Жанубий Корея, Россия, Туркияга аёллар алдаб олиб кетилган. Бир неча бор Жанубий ва Марказий Осиё давлатларидан Ўзбекистон орқали инсон савдоси қурбон-

Улар XXI аср қулларидир. Етказилган жисмоний ва руҳий зарар туфайли инсон савдоси қурбонлари ўз оилаларидан, маҳалла-кўй, қишлоқдошлари, ҳатто бутун жамиятдан бегоналашиб қолишади.

Фоҳишалikka мажбурлаш кўпинча гиёҳванд моддалар воситасида бўлади. Аксарият қурбонлар таносил, ОИТС билан касалланганлар билан ҳам алоқа қилишади. Оқибатда ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоб чекишади.

– **Гулчехра опа, инсонларни, айниқса, аёллар ва болаларни қул каби сотиб юбориш, тубан ишларга мажбурлашнинг асосий сабаблари нималардан иборат?**

– Очиғи, бундан маккор кимсалар, уюшган жиноятчи гуруҳлар катта даромад қилишади. Рақамларга қарасак, қадимда қулдорлик ҳукм сурган тўрт аср давомида қуллар ўн икки миллион нафарга яқин одам бўлса, сўнгги ўттиз йил ичида биргина Осиёда қулликка маҳқум этил-

ган аёллар ва болалар сони 30 миллиондан ортиқдир.

— *Қолаверса, кишилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, шаън-шарафлари, қадрларини билмасликлари оқибатида ҳам бундай аянчли аҳволга тушиб қолишмаяптими?*

— Ҳа, тўғри. Ҳар бир инсон, жумладан, аёллар ҳам ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари



керак. Шунда ёмонларнинг ўлжасига айланиб қолишмайди. Қаерга мурожаат қилишни, кимдан ёрдам олишни билишади. Оммавий ахборот воситалари орқали кишиларни огоҳлантириш, мазкур жиноятнинг мудҳиш оқибатларини тасвирлаб бериш ҳам самарали воситалардан биридир. Аҳоли, айниқса, ёшлар эҳтиёткор бўлишлари, хорижий мамлакатларга ишга таклифни текшириб кўришлари, бегона шахсларга ишонмаслиги, уларга ҳужжатларини бериб қўймасликлари керак.

Айрим хусусий фирмалар аёлларга, хусусан, ёш қизларга чет мамлакатларда юқори даромад келтирувчи: ресторанларда хизматчи, хонадонларда энага, тунги клубларда раққоса бўлиш каби ишларни таклиф қилаётганини эшитиш мумкин. Бу алдов. Ёшонларда 18-25 ёшдаги қизларни дея алоҳида кўрсатилганидан ҳам бунди билиш мумкин.

Турли алдовларга учиб, пул кўзига олов бўлиб кўринаётган аёлларга “Кўзингизни очинг, ҳуқуқларингиз ва манфаатларингизни озгина бўлса-да билинг, ўзингизни бунчалар қадрсиз қилишларига йўл қўйманг”, деймиз. Зеро, қизлар поклик тимсоли, оналар келажак тарбиячиси.

— *Одам савдоси бўйича чиқарилган суд ҳукмлари билан танишар эканмиз, ажабланарли бир манзарага дуч келдик. Бундай жиноятларнинг қирқ фоизга яқинини... аёллар содир этишяётган экан.*

— Афсус, шундай. Тасаввур қиласизми, янгийўллик С. исмли аёл ўн етти яшар навнихол қизни алдаб, Бирлашган Араб Амирликларига «ишлаб келиш»га юборган! Самарқандлик Н. исмли аёл эса, шундай жиноят қилгани боис иши терговдалигига қарамасдан, Ш. исмли қизни чет элга чиқариб юбораётган маҳал қўлга олинган. Е. исмли яна бир самарқандлик ахлоқсиз аёл эса, дугоналарига ҳам “куёв” топиб бериш билан шуғулланган. Қўқонлик З. исмли жувон бир гуруҳ содда қиз-жувонларни Озарбойжон орқали Дубайга учуриб юбормоқчи бўлган. Марғилонлик С. исмли “тадбиркор” аёл ҳам учта қизни “Дубайдаги ресторанда лаганчи бўлиб катта пул оласизлар”, деб алдаб, учоққага олиб чиққан. Тошкент вилоятилик К. исмли аёл яқин таниши бўлган иккита жувонни Бирлашган Араб Амирликларига Қирғизистон орқали олиб ўтишга уринган. Чинозлик жувон Ф. эса, олдин судланганида давлатимизнинг инсонпарвар қонунлари кўмагида қамоқдан қутулиб қолганидан тегишли ҳулоса чиқариб олмади. У фоҳишахона очди. Д. исмли жувонни юз минг сўмга сотиб юборди...

— *Бу жиноятга қарши қандай кураш олиб борса бўлади?*

— Одамлардан фойдаланиш мақсадида ёллаш жиноят экани, жавобгарликка тортилиши халқаро ҳуқуқда белгиланган. Жумладан, бу ҳолат 1949 йил 2 декабрда БМТ нинг Бош Ассамблеяси маъқуллаган ва 1951 йил 25 июл куни кучга кирган “Инсонлар савдоси ва учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фоҳишабозликка қарши курашиш” ҳақида битимда ўз аксини топган. Давлатимиз мазкур битимга 2003 йил 12 декабрда қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддасида инсон эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши акс этган. 2008 йил 17 апрелидан ҳаётга татбиқ этилган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонунда ҳам бу борада масъул ташкилотларнинг мажбуриятлари, инсон савдоси қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрсатиб берилди.

Албатта, бу курашда яхши натижаларга эришиш учун халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, қўшма лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш зарур. Баъзи Оврупа мамлакатлари тажрибасини ўргансак зарар қилмайди. Алданган кишиларни ҳимоя қилиш, ватанига қайтариш, уларни оғир аҳволга солганларни излаб топиб, жазога тортиш керак. Шунингдек, инсон савдосини даромад манбаига айлантириб олган турли жиноий тузилмаларни тугатиш учун умумий мувофиқлаштирилган ҳаракат йўналишларини белгилаб олмас бўлмайди.

Бу ишда республика идоралараро комиссияси ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, комиссия шафелигида минглаб нохуш махсус расм-тарғибот-ташвиқот намуналари тайёрланди ва республика-мизнинг барча ҳудудларига тарқатилди. Шунингдек, “Кулликка рози бўлма” номли махсус тахланма хорижга жўнаб кетувчи шахслар чиптасига илова қилинмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан бирга жамоат ўртасида ҳам бу тубан ишга қарши курашиш сезиларли даражада кучайди.

Абдуқайом ЙЎЛДОШ
сўхбатлашди



ИМОМИ АЪЗАМ АБУ ҲАНИФА

«Оқилликда, фозилликда ва шубҳали нарсалардан эҳтиёт бўлишда Абу Ҳанифадан устунроқ бирон кимсани кўрмадим».
Язид ибн ҲОРУН

У гўзал юзли, хушсурат, ширинсухан, суҳбатчи юракни эритадиган киши эди. Бўйи ўртача, кийими нафис, юзи кўркем бу зотдан ҳар доим ширин ҳид уфуриб турар, одамларга юзма-юз келганида таралаётган беғубор исларидан уни тезда таниб олишар эди.

Бу олим фикҳ илмини биринчи бўлиб бойитган, сермаҳсул қилган ва унинг вужудига яширинган энг ажиб дурдоналарни ёруғликка чиқарган улуғ фақиҳ ва мазҳаббоши Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ибн Марзабондир (Аллоҳ раҳматига олсин).

* * *

Абу Ҳанифа умавийлар асрининг охирларига ва аббосийлар даврининг дастлабки йилларига гувоҳ бўлди. У иқтидорли кишилар ризқлари ўзлари сезмаган ҳолда ҳар томондан оқиб келадиган бир замонда умр кечирди. Бироқ илми ва нафсини бу нарсалардан асради. Меҳнати орқали эришган нарсаси билангина ризқланишга ҳамда ҳамisha инфоқ-эҳсон қилувчилардан бўлишга азм этди.

* * *

Бир куни ҳукмдор Мансур Абу Ҳанифани саройига таклиф қилди. Абу Ҳанифа унинг ҳузурига етиб келганида, Мансур ғоят иззат-икром билан унга пешвоз чиқди ва олимни ўзига яқин жойга ўтқазди. Ҳукмдор билан илм пешвоси ўртасида дин ва дунё ишларига боғлиқ бир қанча масалалар хусусида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Абу Ҳанифа кетишга тараддулданар экан, Мансур ўтгиз минг дирҳам солинган ҳамённи тутқазди. Шунда Абу Ҳанифа: “Эй мўминлар амири, мен Бағдодда мусофир кишиман. Бу пулларни қўйишга жойим ҳам йўқ. Бинобарин, уларни йўқотишдан қўрқаман. Уларни мен учун сақлаб қўйинг. Керак бўлиши билан ўзим сўраб оламан”, деди.

Мансур унинг талабини қондирди. Лекин ушбу воқеадан сўнг Абу Ҳанифа узоқ яшамади. У вафот этганида уйдан подшоҳ унга туҳфа қилмоқчи бўлганидан кўпроқ мол топилди. Мансур бу ҳолни эшитиб: “Аллоҳ Абу Ҳанифани раҳматига олсин! Унинг мақсади биздан бирон нарса олмаслик экан, бизни мулойимлик билан рад қилибди», деди.



Унинг ҳаётига назар солсак, вақтининг бир қисмини савдо-сотиқ ишларига ажратганини кўрамиз. У ипак ва жундан тўқилган кийим-кечак ва матолар билан тижорат қилар эди. Унинг савдо моллари Ироқ шаҳарлари аро бориб-келарди. Унинг одамлар доимо келиб турадиган, ҳаммага таниш ва маълум бир дўкони бўлиб, кишилар у ерда муомалада ҳаққонийлик, олиш-беришда омонатдорликни кўришар эди.

Бир куни Абу Ҳанифанинг танишларидан бири унинг дўконига келиб, бундай дейди:

— Абу Ҳанифа, менга ипакдан тўқилган кийим керак эди.

— Хўп, ранги қанақа бўлсин?

— Мана бундай, бундай бўлсин.

— Яхши, лекин бир оз сабр қилиб тур, деди Абу Ҳанифа, — сен сифатлаган кийим кўлимга келиб тушиши билан уни сенга олиб кўяман.

Бир ҳафта ҳам ўтар-ўтмас сўралган кийим Абу Ҳанифанинг кўлига тушди. Бояги одам иккинчи марта дўкондан ўтди. Уни кўрган Абу Ҳанифа: “Сен излаган нарса келди”, деди ва унга молни кўрсатди. Мол харидорга маъқул келгач:

— Жуда соз, неча пул тўлашим керак бунга? — деб сўради.

— Бир дирҳам.

— Бир дирҳам?!-деб юборди бояги киши ҳайрат ва таажжуб билан.

— Ҳа, бир дирҳам...

— Бу нима қилганингиз, Абу Ҳанифа, — дея ўпкалана бошлади ҳалиги киши, — сиз устимдан куласиз деб ҳеч ўйламаган эдим.

Шунда Абу Ҳанифа айтди:

— Мен устингдан кулмаяпман. Кулоқ сол, шу



кийим билан яна битта худди шунақа кийимни бир савдода арзонгина сотиб олган эдим. Наригисини сотиб, фойдамни олдим. Бунисининг тани менга атиги бир дирҳам кумушга тушди. Мен биродаримдан фойда олувчи эмасман.

* * *

Бир куни Абу Ҳанифанинг кўзи танишларидан бирининг кийимларига тушди, улар унниқиб, увадаси чиқиб кетган эди. Одамлар тарқаб, фақат ҳалиги киши қолгач, Абу Ҳанифа унга:

— Анави жойнамозни кўтаргин-да, тагидагини ол, — деди.

Киши жойнамозни кўтарди. Қараса, тагида минг дирҳам пул бор эди.

— Уни олиб, уст-бош қил, — деди Абу Ҳанифа.

— Мен ўзимга тўқман, — деди ҳалиги киши, — Аллоҳ менга бойлик, мўл ризқ ато қилган. Бу пулларингизга эҳтиёжим йўқ.

Шунда Абу Ҳанифа бундай деди:

— Аллоҳ таоло сенга бойлик ва фаровонлик неъматини ато қилган экан, қани у неъматларнинг асари?! Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Албатта, Аллоҳ бандасининг устида унга берган неъматининг асарини кўришни севади», деган сўзларини эшитмаганмисан? Шундай экан, ўзингни тартибга келтириб, уст-бошингга қараб юришинг керак. Шунда яқинларинг ҳам сенга ачиниб юрмайди.

Абу Ҳанифа сахий, бошқаларга меҳрибон, олийжаноб инсон эди. Оилага қанча сарфласа, ўшанча бошқа муҳтожларга ҳам эҳсон қилар эди. Агар янги кийим кийса, унинг қийматига тенг кийимларни мискинларга ҳам кийдирарди. Олдига таом қўйилса, ундан одатда ейдиган миқдоридан бир неча марта ортигини бошқа идишга суздириб, бева-бечораларга чиқартириб юборар эди.

Ҳафс ибн Абдурахмон айрим тижоратларида Абу Ҳанифага шерик эди. Ипак кийим ва матолардан иборат молларни Ироқнинг баъзи шаҳарларига олиб борарди. Бир сафар жуда катта миқдордаги мол ҳозирланиб, йўлга чиқиш олдида Ҳафсга тайинлади:

“Фалон, фалон кийимларда айблар бор. Уларни сотишдан олдин харидорга нуқсонини албатта айт!” деб тайинлади.

Ҳафс савдога берилиб кетиб, ҳамма молни сотиб юборди. Пировардида айрим кийимлардаги иллатни айтишни унутди. Эсига тушганида кеч бўлган эди. Айбли кийимларни сотиб олган кишиларни эслашга қанча уринмасин, натижа бўлмади.

Воқеани эшитган Абу Ҳанифа тинчини йўқотди. Чув тушган харидорларни аниқлашнинг ҳеч имкони бўлмаганидан сўнг ўша галги моллари-

дан тушган пулларнинг барини садақа қилиб юборди. Фақат шундан кейингина кўнгли хотиржам бўлди.

* * *

Абу Ҳанифа хушхулқ, хушмуомала, дилкаш киши эди. Ҳамроҳи у билан суҳбатлашса саодат топар, унга бегоналар эса, гарчи душмани бўлса ҳам озоридан омонда эди. У гийбатдан узоқ бўлган, ҳатто душманларидан бирортасини ёмон сўзлар билан тилга олмаган.

Абу Ҳанифа одамларнинг кўнглини ола билар, дўстликнинг давомли бўлишига муштоқ эди. Ривоятлардан маълум бўлишича, гоҳида нота ниш олим мажлис ўтказаяётган жойдан ўтиб қолса, шунчаки қизиқиб, даврага келиб қўшиларди. Мажлис охирига етганида ҳалиги олимдан ҳолаҳвол сўрарди. Агар камбағал бўлса, ёрдам кўрсатар, касалманд бўлса, бориб зиёрат қилар, бирон ҳожати бўлса, бажо этар эди. Бора-бора ўша олим Абу Ҳанифанинг мухлисларидан бирига айланиб қолганини ўзи ҳам сезмас эди.

* * *

Ривоят қилинишича, Абу Ҳанифа вафот топган жойида Қуръони каримни етти минг марта хатм қилган экан. Айниқса, Залзала сурасини ўқиганида Абу Ҳанифанинг аъзойи баданини титроқ босарди. Қалбини кўрқув қопларди. Соқолини тутамлаганича бундай дер эди:

“Эй бир зарра мисқолича яхшиликка мукофот берувчи!

Эй бир зарра мисқолича ёмонликка жазо берувчи!

Қулинг Нўъмонни дўзах ўтидан асра!

Қулинг билан уни дўзахга яқинлаштирувчи нарсалар орасини узоқ қил

Ва уни чексиз раҳматингга ол, ё Раҳмлилар Раҳмлиси!”

«Тобеинлар ҳаётидан лавҳалар» китобидан

Толиб АБДУЛЛОҲ

таржимаси





СУДАН РЕСПУБЛИКАСИ



Қадимда ҳозирги Судан ҳудудида Нубия давлати бўлган. Милоддан аввалги саккизинчи-еттинчи асрларда Нубия подшоҳлари Мисрга бостириб кириб, у ерда ҳокимиятларини ўрнатишди. Милоднинг тўртинчи асрида Нубия аҳолиси насронийликка ўтказилади. Еттинчи асрда мусулмон араблар Мисрни фатҳ этиб, марказий ҳудудларда Исломни ёя бошлашади. Яқинда бу ерда Африқодаги қадимий масжидлардан бирининг харобалари топилди.



Майдони: 2 505 800 кв. км.
Аҳолиси: 31,8 миллион киши.
Пойтахти: Хартум шаҳри.
Тузumi: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тузилиши: 26 штатга бўлинган.

Йирик шаҳарлари: Омдурман, Шимолий Хартум, Порт Судан.

Пул бирлиги: судан динари.



Ўшанда Судан ерларида мажусийлар яшайдиган иккита Нубия давлати бўлган. Улар Мисрнинг ҳужумини қайтаришга қодир кучли давлатлар эди, аммо мусулмон араб қабилаларининг кириб келишига тўсқинлик қила олишмади. Арабларнинг бу ерларни фатҳ этиши ўн тўртинчи-ўн бешинчи асрларга келиб Нубия давлатларининг барҳам топишига сабаб бўлди.

Ўн тўққизинчи аср ўрталаридан бошлаб Юқори Нил ва Фазал дарёлари ҳудудига оврупалик сайёҳлар, тожирлар ва миссионерлар кириб кела бошлашди. Бу ҳол фил суяғи ва қул савдосининг авж олишига туртки бўлди. 1863-1879 йиллари Миср ҳукмдори Исмоил қул савдосига қарши курашиш мақсадида мазкур бепоён жанубий минтақаларда ҳам ҳукмронлигини ўрнатди. 1874 йили эса Дарфурни эгаллади. Шимолий Судан ва Исмоил маъмурияти ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва диний ихтилофларнинг кучайиши 1881 йили Суданда



диний низоларни келтириб чиқарди. 1899–1955 йиллари Англия ва Мисрга тобеъ бўлган Судан ҳукумати мамлакатда бирликни, ички тартибни ҳамда бир меъёрда ривожланишни таъминлашга эришди.

1956 йил 1 январда Судан мустақиллиги эълон қилинди. Аммо иқтисодий буҳрон туфайли мамлакатда ҳокимият учун кураш кучайиб кетди. Орадан икки йил ўтгач, генерал Иброҳим Аббод ҳарбий тўнтариш қилиб, ҳукуматни афдариб ташлади. Етти йилдан сўнг парламент сайлови ўтказилди. Голиб





чиққан икки партия биргаликда ҳукумат тузишди. Аммо у тўрт йилгина ишлади, унинг Судан муаммоларини ҳал этишга қодир эмаслигини кўрган бир гуруҳ армия зобитлари полковник Жаъфар Нимейри бошчилигида давлат тўнтариши қилишди. У коммунистларнинг ҳокимият учун ҳаракатларини бостиргани учун СССР билан алоқалар ёмонлашди. Президент Нимейри раҳбарлик қилган даврда Суданда шариат судлари жорий этилди. 1986 йили ўтказилган сайловларда Содиқ Маҳдий ғолиб чиқди. Аммо бу пайтда жанубий ўлкаларда мусулмон бўлмаган қабилаларнинг Исломга таклиф этили-

шидан норозилик урушлари давом этарди. Ҳукумат қўшинларининг ҳарбий мағлубияти туфайли 1989 йилда навбатдаги давлат тўнтариши бўлди, генерал Умар Ҳасан Башар бошчилигидаги ҳарбийлар ҳокимият тепасига келишди. Орадан тўрт йил ўтиб, у фуқаролик ҳукумагига ўрин бўшатиб берди. Жанубда тинчлик ўрнатиш борасидаги барча музокаралар натижа бермади, ихтилофлар оқибатида минглаб киши ҳалок бўлди ёки яшаб турган жойларини тарк этди.

Судан қолоқ деҳқончилик мамлакати саналади. Унинг қазилмаларида рух, хром, мис, нефт, волфрам, темир рудаси, кумуш захиралари борлигига қарамай, саноати суст ривожланган. Денгиз сувидан ош тузи ҳам ажратиб олинади. Нефтни қайта ишлаш, металлга ишлов бериш, семун ишлаб чиқариш корхоналари бор. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган заводлар ҳам очилган. Яйловларда чорва моллари боқилади. Деҳқончиликда сорго, пахта, хурмо, арпа, ерёнғоқ ва кунжут етиштирилади. Чет элларга пахта, кунжут, ерёнғоқ, тирик мол сотади. Четдан нефт ва унинг маҳсулотлари, саноат ускуналари ва моллари, улов воситалари, дори-дармон ва озиқ-

овқат сотиб олади. Асосан Саудия Арабистони, Тайланд, Ливия, Олмония, Италия, Буюк Британия, Хитой, Япония билан савдо қилади.

Мамлакат аҳолисининг салкам ярми араблар, ўттиз фоизи қоратанли занжилар, қолгани нуба, бежа каби қабилалар вакилларидан иборат. Аҳолининг етмиш фоиздан ортиғи мусулмонлар, йигирма беш фоизи мажусий, беш фоизи эса насронийлардир. Мусулмонлар асосан мамлакатнинг шимолий ва марказий ҳудудларида яшашади.

Ислом мамлакатнинг давлат дини ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатда икки мингдан зиёд масжид, икки юзга яқин мактаб, ўн тўрт шифохона, тўққиз юз клиника, олтига



ногиронлар уйи очилди, Африқо ва Шарқий Оврупа мамлакатларида мингдан ортиқ қудуқ қазилди.

Судан Ислом Конференсиyasi Ташкилоти аъзосидир.

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 401-405.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 60-61.
3. «Ислом», справочник. Тошкент, ЎзСЭ, 1989 йил, 329-бет.
4. Интернетнинг «Islam. ru», «Islam.com» сайтлари.





МИССИОНЕРЛАР МЎЛЖАЛИ

Бугун масофалар қисқараётган, муносабатлар яқинлашаётган, ҳазоралар, маданиятлар муштараклашаётган, замон тили билан айтганда, ҳамма нарса «глобаллашаётган» бир даврда яшаб турибмиз. Иқтисод ва сиёсатнинг глобаллашуви маданиятлар глобаллашувига сабаб бўлмоқда.

Ўзи чуқур маънавий жарликдан чиқишга йўл тополмай боши қотган мустамлакачилар бугун демократия ниқоби остида мусулмон давлатлар ёшлари онгини заҳарлаш, мингйиллик синовларга дош берган ҳақ йўлдан тойдириш, уларни жаҳолат, бузуқлик, нодонликка бошлаш билан глобал бошқарувга эришиш учун бор ҳунарини ишга соляпти. Бу йўлда миссионерлик ҳаракатларидан, ўз турмуш тарзини тарғибот-ташвиқот қилишдан, «поп-маданият»у, оммавий ахборот воситаларидан, хуллас, таъсир ўтказишнинг барча усуллари кенг фойдаланмоқда.

Мақсадлар аниқ: нима қилиб бўлса ҳам давлат, миллат келажаги, таянчи бўлмиш ёшларни бузиш, тўғри йўлдан оздириш ва шу тариқа мамлакатни маънавий истило этиш! Бу гоёлар бугун туғилмаган, бу режалар бугун тузилмаган, балки жуда кўҳна китобнинг битикларидир. Мустамлакачилар бундан юз, икки юз, уч юз йил бурун ҳам худди шундай йўл тутишган. Мусулмон ўлкаларни ичдан бузиш учун юборилган бир хорижлик жосуснинг фаолият режасида «Мусулмон ўлкаларда... халқни диндан чалғитиш учун... ёшлар кўнглида динларига нисбатан шубҳа ва зиддият уйғотиш керак», деган йўриқнома ёзилган экан.



Онгли ёшларимиз дўст киму душман ким эканини яхши ажратиб олишлари керак. Тажрибали боксчи каби туйқус зарбанинг қаёқдан тушишини сергаклик билан, ички туйғу орқали сезиб олишлари зарур. Мақсадига етиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай-



диган душман қаршисида турганларини унутишга ҳақлари йўқ.

Бугунги кунда ана шу хатарли душман ёшларимиз юрагини эгаллаш учун бор кучини ташлаган, барча тадбирларини ишга солган. Насронийлик «тарғиботчи»лари – миссионерлар дунёнинг ҳамма жойида изғиб юришибди. Амриқолик насронийлик ҳаракати тадқиқотчиси Дэвид Борит ёзишича, канисаларга тушган маблағдан йилига 150-160 миллиард доллар пул насронийликни тарғиб ва Исломни ёмонотлиқ қилиш йўлида харжланмоқда. Жаҳоннинг ҳамма ерида йилига 22,7 миллион нусха масиҳий даврий нашр, 72,5 миллион нусха Инжил тарқатилмоқда.

Миссионерлар фақат булар билан кифояланиб қолишаётгани йўқ. Улар ёш, ҳали тараққиёт йўлига тўла тушмаган мамлакатлар ночорлигидан ўз мақсадларида фойдаланиб қолишга интилишмоқда. Хайр-саховат ва ёрдам ниқоби остида шифохоналар, ўқув марказлари, хайрия муассасалари, тарбия ўчоқлари ташкил этишяпти. Аҳолининг ночор қатламлари қалбига йўл топиш учун уларга пул, кийим-кечак, озиқ-овқат, дори-дармон тарқатишмоқда. Тошкентлик бир талабанинг ҳикоясига кўра, аввал унга дўсти орқали ташвиқот ишлари бошлашган, қароргоҳларига таклиф этишган. Мусиқа қўйиб беришган, энгилгина





зиёфат билан сийлашган, у ёқ-бу ёқдан суҳбат қуришган. Кетаётганида қўлига пул тутқазилган. Бир неча марта бу аҳвол такрорлангач, ниҳоят бирга ибодат қилишга даъват этишган. Талабани бунга кўндиролмагач, уни қаттиқ ҳақоратлаб, берган пуллари тортди олишган.

Мана бу воқеани эса жиззахлик бир журналист сўзлаб берди: «Хўжаликлардан бирига мақола ёзгани борувдим. Ишимни битириб, туман марказига бориш учун далалар оралаб пиёда йўлга чиқдим. Шу пайт тутқатор орасидан бир ўзбек аёли чиқиб салом берди ва мени гапга сола бошлади. Унинг ниятини билишга қизиқиб, саволларига жавоб бериб турдим. Бирдан у Ислом динининг қолюқ, урушқоқ дин экани, ҳозирги пайтда нажот фақат насронийликдалиги ҳақида гапира бошлади. Ўзим диндор бўлмасам-да, унинг бу гапи гашимга тегди. Ақлим етганича гапларининг ёлғон эканини фох қила бошладим. Шунда аёл «Ишонмасангиз, мана буларни ўқиб кўринг, кейин тушуниб оласиз», деди-да, халтасидан сифатли қоғозларга босилган рангли суратли бир неча масиҳий китобларни қўлимга тутқазмоқчи бўлди. Табиийки, қизиқиб турсам-да, уларни олишдан бош тортдим ва «Ҳозир мелиса чақираман», деб у ёқ-бу ёққа алангладим. Аёл қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тутқатор ичига кириб ғойиб бўлди. Миссионерлар фақат пойтахтда ташвиқот олиб боради, деб ўйларканман. Чўлнинг энг чекка қишлоқларида ҳам китоб тарқатиб юришганини кўриб ҳайронликда қолдим».

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида (5-модда) «Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади», деб ёзиб қўйилган. Аммо мамлакатга турли



йўллар ва баҳоналар билан кириб келган айрим миссионерлар қонунларимизни назар-писанд қилмай, мусулмонларни ўз динларига даъват қилишяпти. Тақиқланган китобларни, аудио-видео тасмалар ва дискларни кўча-кўйларда, жамоат жойларида, ўқув юртларида тарқатишга уринишяпти. Айниқса, улар олий ўқув юртлари талабалари орасида фаол иш олиб бораётганлари ҳақида талабаларнинг ўзлари куюниб гапириб беришди.

Бир қарашда беозор кўринган «тарғиботчи»ларнинг китоб ёки пул улашишлари аслида узоқни кўзлаб, пухта режа билан олиб борилаётган сиёсатнинг бир кўриниши, холос. Исломий ўлкаларни қурол кучи билан енгиб бўлмасликка кўзи етиб қолган мустамлакачилар энди улар устига фикрий ва маданий юриш қилишга, ақидаси ва анъаналарини мусулмонлар ўртасида ёйишга уринишмоқда. Демократия, маданият, тараққиёт олиб кириш баҳонасида диний ва миллий асосларга зарба беришга, мусулмонлар юрагидан имон, эътиқод, ишончни чиқариб ташлашга интилмоқда.

Миссионерларнинг бир раҳбари очикроқ айтиб қўя қолди: «Миссионерлик гуруҳларининг мақсади фақатгина насронийликни ёйиш бўлмай, балки Ислом оламини насроний ғарб ҳукмига бўйсундиришдир» («Ислом нури» газетаси, 1992 йил 43—44-сон).


Ана шу кураш ва ҳаракатлар «меvasи»ни бериб турибди. Улар қанчалаб мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини издан чиқариб, яхлит халқларни бир қанча гуруҳ ва табақаларга ажратиб юборди. Оқибатда, жойларда миллий, диний аҳилликка, сиёсий барқарорликка путур етди. Масалан, Индонезияда ҳаракат қилаётган миссионерлар йигирма беш йил мобайнида 250 минг одамни насронийлаштиришга эришди ва улар яшаётган Шарқий Тиморни мамлакатдан ажратиб олишди. Африқо қитъасидаги беш миллион талабанинг таълими миссионерлар қўлида. Ливан, Сомали, Индонезия, Болқон ва бошқа минтақаларда вақти-вақти билан алангаланиб турадиган фуқаролик урушларида, динлараро тўқнашувларда ҳам миссионерларнинг «халис хизматлари» бор.

Бизнинг мамлакатда янги ҳодиса бўлган бу миссионерлик ҳаракатларини илмий, ижтимоий ва сиёсий нуқтаи назардан ўрганиш пайти келди.

Абдулла НОДИРОВ



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Қуръони карим қўлёзмалари кўрғазмаси



Доғистон Фанлар академияси қадимшунослик, аҳолишунослик ва этнография институти Расул Ҳамзатов номидаги Марказий кутубхонада Қуръони карим қўлёзмаларининг кўрғазмасини ташкил этди. Қуръони каримнинг милодий XIII аср бошидан то ҳозиргача Доғистонга келтирилган, шунингдек, маҳаллий хаттотлар кўчирган қўлёзма нусхалари кўрғазмага қўйилди.

Доғистон Фанлар академиясидан маълум қилишларича, мазкур кўрғазма олдин Нижний Новгород шаҳрида намоиш этилган ва минтақа мусулмонларида катта қизиқиш уйғотган. Кўрғазмани бошқа динлар вакиллари ҳам томоша қилишяпти.

РИА “Дагестан”

Бош котибнинг қутлови



Ислom Конференцияси ташкилоти бош котиби Акмалиддин Эҳсонўгли Фаластиннинг Фатҳ ва Хамас ташкилотлари етакчиларининг Қоҳирада бўлган учрашувини қутлади. Бош котиб шу муносабат билан баёнот бериб, бу учрашувни “Фаластин

сиёсий муҳитида кескинликка барҳам бериш йўлидаги муҳим воқеа” деб баҳолади. Шунингдек, Акмалиддин Эҳсонўгли Миср ҳукуматининг томонларни яраштириш ниятидаги уринишларини қўллаб-қувватлашини айтди.

“Бундай учрашувларни ярашиш тўғрисида миллий битим тузилгунига қадар давом

эттиравериш керак, шундагина зўравонликларга чек қўйиш мумкин...” дея таъкидлади ИКТ бош котиби.

“IINA”

Боку Ислom маданияти пойтахти

Боку шаҳрини ИКТнинг таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти ISESCO 2009 йилги Ислom маданияти пойтахти деб эълон қилган эди. Шу муносабат билан ўтказилган тантаналарда ИКТ бош котиб ўринбосари Ато Маннон, ISESCO бош котиби Абдулазиз Усмон Тувайжирий иштирок этишди.



Меҳмонлар Озарбойжон Республикасида Ислom маданиятини ривожлантириш, мусулмон мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш борасида ибратли ишлар амалга ошириляётганини таъкидлашди.

“I News”

Ислom тадқиқотчилари анжумани



Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида «Ҳозирги Россия ва МДХ мамлакатларида Ислom тадқиқотчилари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Қозон давлат университети, Узлуксиз таълим институти Овроосиё ва халқаро тадқиқотлар маркази, Татаристон маданият вазирлиги, фан ва таълим вазир-

лиги, фанлар академияси, Жаҳон маданияти институти (ЮНЕСКО), Россия Ислom университети мазкур анжуман ташкилотчилари бўлишди.

Анжуманда Москва, Санкт Петербург, Нижний Новгород, МДХ мамлакатларининг таниқли олимлари, тадқиқотчи жамоат арбоблари иштирок этишди.

Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад Россия ва МДХ мамлакатларида Ислom тадқиқотларининг 20 йиллик тажрибасини назарий ва тарихий-маданий нуқтаи назардан таҳлил этиш эди.

«Татар-информ»

Жамғармага ёрдам



Саудия Арабистони қироллиги Россия Ислom маданияти, фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 100 минг доллар маблағ ажратди. Мазкур маблағни олиш ҳуқуқини берувчи чекни қиролликнинг Россия Федерациясидаги элчиси Али Ҳасан Жаъфар Москвада бўлган учрашув чоғи жамғарма раҳбариятига топширди.

Учрашувда элчи мазкур жамғарма фаолиятига юксак баҳо беда. Жамғарма бошқаруви раиси Марат Муртазин, бошқарув аъзоси, Россия президенти маъмурияти маслаҳатчиси Алексей Гришин жамғармани ташкил этиш тарихи, келгуси режалари ҳақида гапиришди.

Учрашувда элчи мазкур жамғарма фаолиятига юксак баҳо беда. Жамғарма бошқаруви раиси Марат Муртазин, бошқарув аъзоси, Россия президенти маъмурияти маслаҳатчиси Алексей Гришин жамғармани ташкил этиш тарихи, келгуси режалари ҳақида гапиришди.

«Интерфакс»

Қуръони каримнинг ноёб қўлёзма нусхаси



Синхай ўлкаси (шимолий-ғарбий Хитой) Синхуа-Салор мухтор вилоятидаги “Чечи” жомеъ масжидида Қуръони каримнинг мамлакатда энг қадим қўлёзма нусхаси сақланади. Икки жилдли Китоб 867 саҳифадан

иборат, муқоваси қўнғир тусли, мол терисидан ишланган. Маҳаллий мутахассислар айтишича, Қуръони каримнинг мазкур қўлёзма нусхаси милодий VIII-XIII асрлар оралигида кўчирилган.

Шунингдек, Китобни бундан етти аср олдин кўчиб келган туркий тилли салор халқи аждодлари олиб келишган, деган муълумот ҳам бор.

Синхай ўлкаси қадимий китобларни ҳимоя қилиш маркази мутахассислари Қуръони каримнинг мазкур қўлёзма нусхасини давлатнинг ноёб қадимий китоблар рўйхатига киритишини сўраб, ариза ёзишди.

“Ислам в Украине”

Бобурийлар даври заргарлик санъати

Москва Кремлида Кувайт исломий санъатлар музейининг “Жаҳон хазинаси: буюк бобурийлар даври Ҳиндистон заргарлик санъати” кўргазмаси очилди. Кўргазма шу йилнинг 20 майгача намоиш этилади.



Кувайтнинг Москвадаги элчихонаси матбуот бўлими ходими Мағир Салом: “Бу нодир заргарлик буюмлари шахзоданинг шахсий жамланмасидан бўлса ҳам, улар бутун инсониятга алоқадор эканини эътиборга олиб, кўргазмани жаҳоннинг турли мамлакатларида намоиш этмоқчимиз”, деди. Бобурийлар даври заргарлик санъати кўргазмаси бунгача Париж, Вашингтон, Нуй Йорк шаҳарларида намоиш этилди. Уни Москвадан сўнг Санкт Петербургдаги Эрмитажда томоша қилиш мумкин бўлади.

“Islam. ru”

Қуръони каримнинг митти нусхаси

Яманнинг Сано шаҳри хаттотлари муқаддас Қуръони каримнинг дунёда энг кичик (қўлёзма) нусхасини намоиш этишди. Китоб узунлиги бор-йўғи уч сантиметр. “Yemeni Daily Al-Thawra” газети хабарига кўра, Қуръоннинг бу нусхаси 1892 йили Мисрнинг “Ал-Амирия” босмахонасида тайёрланган. Нашр ишларига “Ал-Азҳар” университети олимлари раҳбарлик қилишган.

Ноширлар Китоб саҳифаларига ўша давр учун буткул янги технология асосида ишлов беришган. Маълум бўлишича, Қуръони каримнинг бу митти нусхасини Яман ҳукмдори Ҳамид Насифбек 1920 йили таниқли арбоб Яҳё Ҳамидуддинга совға қилган экан.

“Ислам в РФ”

Янги киноанжуман



Малайзияда Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо мамлакатлар киночилари фестивали ўтказиладиган бўлди. Малайзия ахборот вазири Аҳмад Шаберий Чик айтишича, ИКТ бош қотиби Акмалиддин Эҳсонўғли мамлакат ҳукуматига шундай таклиф билан мурожаат қилган. Яқин орада киноанжуман ўтказиш масалаларини муҳокама этиш учун етти мамлакат вакиллари учрашишади.

Акмалиддин Эҳсонўғли ИКТга аъзо мамлакатлар ахборот вазирларининг Работ шаҳрида (Марокаш) ўтган саккизинчи сессиясида ҳам мазкур таклифни илгари сурган эди.

Киноанжуман ўтказиш ташкилий қўмитаси таркибига Малайзиядан ташқари, Саудия Арабистони, Туркия, Миср, Сенегал, Сурия ва Марокаш вакиллари ҳам киритиладиган бўлди.

“Эртанги кун етакчилари”нинг мурожаати



Қатар пойтахти Доха шаҳрида “Эртанги куннинг мусулмон етакчиси” халқаро анжумани ўтказилди. Анжуман ташкилотчилари жаҳон мамлакатлари раҳбарларига очиқ хат йўллашди. Жаҳон мамлакатлари раҳбарларига очиқ хат Барак Ҳусайн Обама АҚШ президенти ваколатларини эгаллаган 20 январ куни расман эълон қилинди”, — дейди анжуман ташкилотчиси Ислом тараққиёти Америка жамияти раҳбари Дейзи Хон.

“Биз, дунёнинг 76 мамлакатидан келган эртанги куннинг 300 мусулмон етакчиси, дунёнинг бугунги етакчиларига ушбу очиқ хатни ҳурмат билан тақдим этамиз”, — дейилди мазкур ҳужжатда.

Очиқ хат муаллифлари бугунги кун етакчиларини Ер қураси аҳолисининг асосий эҳтиёжларини қондиришга, атроф-муҳитни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, таълим олиш ва меҳнат қилиш шароитларини яхшилашга чақирган.

“The Peninsula Qatar”

Обаманинг сўрови



АҚШ президенти Барак Ҳусайн Обама мамлакатдаги Ислом ташкилотларидан Оқ уйда ва бошқа давлат муассасаларида хизмат қилишлари учун номзодлар таклиф этишни сўради. Шимолий

Америка Ислом жамияти ҳам шундай мазмунда мактуб олган. Бу ҳақда мазкур жамият президенти Ингрид Меттсон “Ал-арабия” телеканали орқали маълум қилди.

Ингрид Меттсон Вашингтон миллий соборида ўтган инаугурация маросимида иштирок этган биринчи мусулмон аёл бўлди. Маросимдан сўнг у Барак Ҳусайн Обама билан учрашиб, унга миннатдорлик билдирди.

“Бу ташаббус янги маъмуриятнинг биз мусулмонлар билан ишлаш истаги борлигини кўрсатади” дея таъкидлади Ингрид Меттсон.

Islam.ru

Буюк Британия мусулмонлари

Кейинги 4-5 йил ичида Буюк Британиянинг мусулмон аҳолиси салкам беш баравар кўпайиб, икки миллион тўрт юз минг кишига етди. Бирлашган қироллик миллий статистика маҳкамаси шу ҳақда маълум қилган.



Мутахассислар четдан ишлашга келиб, ўтроқлашиб қолиш, мусулмон оилаларда туғилиш кўплиги ҳисобига бундай кўпайиш юз берганини айтишмоқда.

Бирлашган Қироллик Ислом ташкилотлари етакчилари мусулмонларнинг илм-фанга қизиқишлари, ижтимоий фаоллиги ортаётганини мамнуният билан таъкидлашяпти.

“Ислам в РФ”



Ҳожилар учун
темирийўл



Маккаи мукарраманни Мадинаи мунаввара билан боғлайдиган иккитомонлама темирийўлни Хитой, Франция ва Саудия Арабистони қурувчилари ҳамкорликда барпо этадиган бўлишди. Қурилиш ишлари шу йил бошланиб, 2012 йили тугалланиши керак. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 800 миллион долларни ташкил этади. Темирийўл қуриб битказилса, ҳожилар икки шаҳар орасидаги 400 чақиримли масофани икки соатда босиб ўтишади.

Темирийўлнинг бир шохчаси Маккани умра ва ҳаж мавсумларида жуда кўп мусулмонларни кутиб олувчи Жидда шаҳри билан боғлайди. Ҳожилар бор-йўғи ярим соатда Жиддадан Маккага етиб оладиган бўлишади.

Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, поездлар соатига 300 чақирим тезлик билан қатнайдиغان темирийўлнинг умумий узунлиги 570 километрга боради.

РИА “Новости”

МАВЛАВИЙ ЧЎБИННИ БИЛАСИЗМИ?

Кўҳна Фарғона заминидан буюк алломалар, машҳур адиблар етишиб чиққан. Ана шундай зотлардан бири “Мавлавий Чўбин” ёки Домла Чўбин номи билан замондошлари орасида шуҳрат топган Асрорқул Тўпчи Мирзо ўғлидир. У ҳозирги Риштон туманидаги Зоҳидон қишлоғида туғилган. Йили номаълум, тахминимизча, ўн тўққизинчи аср биринчи чорағида дунёга келган. Отаси Қўқон хонлари саройида муншийлик вазифасида ишлаган. Шу туфайли халқ орасида “Тўпчи Мирзо” номи билан танилган.

Мулла Асрорқул она қишлоғида хат-саводини чиқарганидан сўнг Қўқонга келади ва машҳур Муҳаммад Алихон мадрасасида ўқийди. Мазкур билим даргоҳи ўз замонасида Хўқанди латифдаги энг обрўли илм ўчоқларидан бири эди. Асрорқул бу ерда мадраса дастури бўйича чуқур билим олди ва олим бўлиб етишди. Сўнгра у дунёвий илмларни ҳам ўрганишга аҳд қилиб, Ҳиндистон сафарига отланди. Бир неча йиллар ҳинд диёридаги ўқув даргоҳида таълим олди. Турли дунёвий фанлар, айниқса, риёзиёт (математика), илми ҳайъат (астрономия) фанларини пухта ўрганди.

Шундан сўнг Қўқонга қайтди. Унинг шаҳарга қачон қайтгани маълум эмас. Дунё кўрган, диний ва дунёвий илмлардан етук даражага кўтарилган мулла Асрорқул Хўқанди латиф уламолари орасида бирдан донг чиқарди. Унинг таърифи мамлакат ҳукмдори Саййид Муҳаммад Худоёрхонга ҳам етиб борди. Хон алломани ҳузурига чорлаб, у билан суҳбат қурди. Мулла Асрорқул Ҳиндистонда эгаллаган билимларини амалда кўрсатиш учун хон ўрдасида “Доираи ҳиндийа” — сояга кўра вақтни аниқлайдиган соатни, бошқача ном билан айтганда, куёш соатини қурди. Бу соат чўб (ёғоч)дан ясалгани учун мулла Асрорқул халқ

орасида “Мавлавий Чўбин” номи билан машҳур бўлиб кетди.

“Доираи ҳиндийа” Худоёрхонга маъқул бўлади. Мавлавий Чўбин хоннинг буйруғига кўра Жомеъ мадрасаси бош мударриси Улуғхон тўрага ноиб этиб тайинланади. Мавлавий қизиқувчи талабаларга, гарчи мадраса дастурида бўлмаса ҳам, кўп йиллар риёзиёт ва илми ҳайъат фанларидан ҳам сабоқ беради. Мадраса ҳовлисида яна битта “Доираи ҳиндийа” ясайди. Бироқ унинг бу машғулотларини замонасидаги айрим жоҳил кимсалар тўғри тушунишмайди. Мавлавий Чўбин номи атрофида иғво-фасод бошланади. Фақат олимга хоннинг муносабатини билганлари учун кескин чоралар кўришдан тийилиб туришди.

Лекин бир ёқдан русларнинг босқини хавфи, иккинчи ёқдан мамлакат ичкарисида тахт учун талашилар 1875 йили Худоёрхонни Хўқанддан чиқиб кетишга мажбур қилади. Хонлик ўғли шаҳзода Насриддинбек кўлига ўтади. 1875 йил август ўрталарида Насриддинбек мамлакатни рус қўшнилари билан Ҳўжанд сафарига отланади. Пойтахнинг қўшинсиз қолган ҳолатидан фойдаланган бузғунчилар шаҳарда тўпалон чиқаришади. Шу пайтда жоҳил оломон Абдували мударрис, Мавлавий Чўбин сингари илм одамларини ҳам қатл қилиб юборади.

Мавлавий Чўбин жасадини мулла Исмоил исмли шоғирди Зоҳидонга элтиб, оила аъзоларига топширади. Домлани катта ҳурмат ва эҳтиром билан она қишлоғидаги қабристонга дафн этишади. Авлодлари Мавлавий қабри атрофига гуллар экиб қўйишади. Шу туфайли бу қабристон эл орасида “Гулмозор” номи билан атала бошлади.

Мавлавий Чўбиннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов (1885-1964) “Тазкирайи Қайюмий” асарида алоҳида бир фаслда сўз юритган ва уни “Аҳмад Донишга баробар мунавварул фикр олимларидан бўлиб, шу йўлда қатл этилмишдир”, деб таърифлаган эди. Пўлатжон домла ёзиви Чўбиннинг Муҳаммад Амин исмли фарзанди бўлган. Тазкира муаллифи у билан 1908 йили Зоҳидонда учрашган. Ўша пайтда Муҳаммад Амин Асрорқул ўғли қозилик мансабидан турган экан. Демак, Мавлавийнинг ўғли ҳам замонасининг илми, диёнати кишиларидан бўлган. Акс ҳолда, у қозилик лавозимига қўйилмаган бўлур эди.

Фарғона Давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Маликжон Бобораҳимов бизга хабар беришича, Мавлавий Чўбин набираси Усмонали Асрорқулов Зоҳидонда 1997 йили вафот этган. Унинг ўғли Умарали Асрорқулов ҳозир шу қишлоқда яшайди.

Тарихчи Мирзо Олим Мушрифнинг “Ансобус салотин ва таворихул ҳавоқин” (“Султонлар насаблари ва ҳоқонлар тарихлари”) номли тарихий асарида ҳам Мавлавий Чўбин ҳақида қимматли маълумотлар бор. Афсус, бизнинг диёрларда “Куёш соати” каби нарсалар ясаб янгилик яратган улуг ватандошимиз ҳақида билганларимиз ҳозирча шулардан иборат. Келгусида улуг алломанинг ҳаёти ва фаолиятига доир янги маълумотлар аниқланишидан умидвормиз. Миллий қадриятларимиз қайтадан қад ростлаётган ушбу кунларда юртдошимиз Мавлавий Чўбин ҳазратларини бир ёдлаб қўйишни ва ҳақларига хайрли дуолар қилишни зиммадаги бурчимиз деб билдик.

Рустамжон ТОЖИБОЕВ,
филология фанлари номзоди,
доцент

Бурҳонуддин МАРҒИНОНИЙ

Ҳ И Д О Я

Таҳоратни бузувчи нарсалар ҳақидаги бўлим

«Таҳоратни бузувчи сабаблар: 1) олд ва ортдан чиқадиган барча нарса...»;

«Таҳоратни бузадиган нарсанима?» деб Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўралди. «Олд ва ортдан чиқадиган нарса», дедилар».

«Нарса» қамровчи сўздир. У одатда бўладиганни ҳам, одатда бўлмайдиганни ҳам ўз ичига олади.

«Бадандан 2) қон ва 3) йиринг чиқиб, тозалаш буюрилган жойига ўтиши ва 4) оғиз тўлиб қайт қилиш...»

Агар киши бўлиб-бўлиб қайт қилса, тўпланганида оғиз тўлгулик миқдор бўлса, Абу Юсуф (раҳматуллоҳи алайҳ) наздида, жойнинг бир бўлгани, Имом Муҳаммад (раҳматуллоҳи алайҳ) наздида, сабабнинг бир бўлгани эътиборга олинади. У сабаб кўнгил озишидир¹.

Кейин, таҳоратни бузмайдиган нарса нажосат бўлмайди. Бу ҳукм Абу Юсуфдан (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилинган ва бу саҳиҳдир. Чунки унинг сабабидан таҳорат бузилмагач, ҳукман² нажас эмасдир.

«Сафро ёки таом ёки сув қайт қилишдаги ҳукмдир. Агар балғам қайт қилса, таҳоратни бузмайди».

Бу айтилган Абу Ҳанифа билан Муҳаммад (раҳматуллоҳи алайҳима) наздларидадир. Абу Юсуф (раҳматуллоҳи алайҳ): «Агар оғиз тўлиб балғам қайт қилса, таҳоратни бузади», дейдилар.

Бу икки хил фикр ошқозондан чиққан балғам ҳақидадир. Бошдан тушган балғам таҳорат-

ни бузмайди, чунки бош нажосат ўрни эмас. Абу Юсуфнинг (раҳимаҳуллоҳ) далили будир: “Ошқозондан чиққан балғам нажосатга ёндош бўлганидан нажасдир». Абу Ҳанифа билан Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) далиллари бундай: “Балғам шилимшиқдир, орасига нажосат кирмайди, сиртига теккани оздир, оз қусиш эса таҳоратни бузмайди».

«Агар қон қусса, у қуюқ бўлса, оғиз тўлиши ҳисоб қилинади. Чунки у куйган савдо, зардобдир».

У қон суюқ бўлса, Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) наздида, қусуқнинг бошқа турларига қиёсан, оғиз тўлиши эътиборга олинади. Икковларининг³ наздларида, у қон ўзи оқса⁴, оз бўлса-да, таҳорат бузилади, чунки ошқозон қон турадиган ўрин эмас, демак, у ошқозондаги ярадан чиққан бўлади.

«Агар қон (бошдан) буруннинг юмшоқ жойига тушса,





(қон тозалаш буюрилган жойга егиб, чиққани аниқ бўлгани учун), барча уламолар наздида, таҳорат бузилади».

5) «Ёнбошлаб ёки бир сонини босиб ёки бир нарсага таяниб ухлаш, агар у нарса олиб ташланганида таянувчи йиқилиб тушса (таҳорат синади)».

Чунки ёнбошлаб ухлаш бўғинларнинг бўшашуви-га сабабдир, шу боис одатда бунақа ҳолатда бирон-бир нарса чиқишидан сақланиб бўлмайди. Одатда бўладиган нарса эса аниқ билинган нарса кабилдир.

Суяниш, кети ердан узилганлиги учун, сергаклик ҳиссиётини кетказди. Суянишнинг бу турида бўшашиш юқори нуқтасига етади. Бироқ намозда ва бошқа пайтда туриб, ўтириб, руку ва сажда қилатириб ухлашдан фарқли ўлароқ, суяниб ухлаган кишини йиқилишдан суянч сақлаб туради. Бу саҳиҳдир. Чунки у ҳолларда сергакликнинг бир қисми йўқолмайди, йўқолганида эди, йиқилиб тушарди. Демак, у бўшашиш тўлиқ бўлмайди.

Бу бобдаги асос Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу сўзларидир:

«Туриб, ўтириб ё руку, сажда қилиб ухлаган кишига таҳорат вожиб эмас, таҳорат ёнбошлаб ухлаган кишига вожибдир».

Чунки ёнбошлаб ухласа, кишининг бўғинлари бўшашади.

6-7) «Ҳушдан кетиб ақлни йўқотиш ва жиннилик»;

Чунки бу иккиси бўшашишда ёнбошлаб ухлашдан юқори туради. Ҳар қандай ҳолатда ҳушдан кетиш таҳоратни бузувчидир.

8) «Рукули ва саждали намозлардаги қаҳқаҳа»;

Бизнинг далилимиз Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Билиб қўйинг: қай бирингиз қаҳқаҳа отиб кулса, қайта таҳорат олсин, намозни қайта ўқисин», деганларидир.

Ўзи ва ёнидаги одам эшитган кулги қаҳқаҳадир. Ёнидаги эшитмай, ўзигина эшитадиган кулги кулимсираш (зеҳқ)дир. Намозда бу тарзда кулиш, айтилганига қўра, намозни бузади, таҳоратни бузмайди.

«Ортдан чиқадиган жонивор таҳоратни бузувчидир. Агар жонивор ярадан чиқса ёки жароҳатдан бир парча гўшт узилиб тушса, таҳорат бузилмайди».

«Жонивор» деганда курт назарда тутиляпти.

«Қавариқ териси кўчирилганида, ундан сув ё йиринг ёки бошқа нарса кўринса ва яранинг⁵ устидан оқса, таҳорат бузилади, оқмаса, таҳорат бузилмайди».

Бу масала олд ва ортдан эмас, бошқа ердан чиқадиган нарса ҳақидаги масаладир. Уларнинг ҳаммаси⁶ нажосатдир. Чунки қон пишйди, кейин қуюқ йирингга айланади, у яна пишйиб суюқ йирингга айланади. Сўнг у сувга айланади.

¹ Абу Юсуф (раҳимахуллох) наздида кишининг бир жойда қусгани тўпланганида оғиз тўладиган бўлса, Имом Муҳаммад (раҳимахуллох) наздида, бир сабабдан қусгани ана шу миқдорга етса, таҳорат бузилади.

² «Ҳукман» сўзи бу ерда ушбуга ишора қилади: нажосат шариат нажосат деб ҳукм қилган нарсалар.

³ Яъни, Абу Ҳанифа билан Абу Юсуфнинг (раҳматуллоҳи алайҳима).

⁴ У қон ўз ҳолича оқса, балғамга аралашиб чиққан бўлмаса...

⁵ Қавариқ ярадир.

⁶ Сув, йиринг ва ҳоказо.



Нон азиз

Ота-оналаримиз иккинчи жаҳон уруши кетаётган паллалар ё очарчилик йилларида ҳеч вақо йўқлигидан одамлар кунжара ё ажриқ илдизларини еб жон сақлашганини айтишарди. Ўша оғир кунлар гувоҳи бўлган раҳматли момонинг нонни қандай азиз тутиши ҳеч эсимдан чиқмайди. Кўпинча бирор ерга борадиган бўлса, мени ҳам эргаштириб оларди. Шундай юришларимизда бир манзаранинг кўп гувоҳи бўлганман. Икки томони баланд паҳса девор кўчадан кетарканмиз, ҳасасига суянган момом мабодо ерда ётган нон бўлакчасини кўриб қолса, дарҳол қўлларига олиб, «пүф-пүф»лаб чангини тозалар, қайта-қайта кўзларига суртар, сўнг оёқ босилмайдиган ерга, кўпинча девор ёки дарахтнинг ковагига қўйиб, йўлида давом этар эди.

Бугун биз нонга ана шу ҳурмат-эътиборни унутиб қўймадикми? Тўймаъракаларимизда қанча-қанча нон ва бошқа егуликлар ортиб қолиб, исроф бўлади. Йўлда ётган нонга кўпчилик қарамайди ҳам. Ҳатто уюм-уюм қотган нон бўлаклари ҳар жойларга ташлаб кетилганини, нондек азиз неъмат чиқиндилар билан аралаш-қуралаш бўлиб ётганини кўриш мумкин. Кундалик ризқимиз нонни бундай хор, исроф қилишнинг, уволи тутиши мумкинлигини унутмайлик. Ахир, исроф ҳартарафлама зарар экани, нонни азиз тутган элда ҳам азиз бўлиши очик-ойдин-ку...

Бобониёз ҚУРБОН,
Тошкент шаҳри





ҚҮЛЁЗМАЛАР БИЛИМДОНИ

Яхши муомалали, юмшоқ табиатли, камтарин инсон Абдулла ота Носиров қўлёмалар билимдони сифатида ном қозонган эди. У ҳар бир қўлёмани игна билан қудуқ қазиган каби синчиклаб текширар, мавжуд манбаларга солиштирар, кўзга илинган янгиликни, зарур туюлган маълумотларни дафтарига қайд этарди. Газет ва журналлар, бошқа даврий нашрлардан соҳасига оид мақолаларни қирқиб олиб, алоҳида жилдга солиб қўярди. Сўнг уларни рақамлаб, шарқшунослик институти китоб жамғармаси ихтиёрига ўтказарди. У йиққан ана шундай ишлар сони уч юз мингдан ошиб кетган. Уларни махсус жилдларга тикиб, муқовалаб ҳам қўйган. Буларнинг мингдан зиёди шарқшуносликка доир муҳим мақолалардир.

Абдулла Носиров 1899 йили туғилган. 1915–1920 йиллари Тошкентдаги “Бегларбеги” мадрасасида таҳсил олган. Абдулла ота Эски Жўвада жойлашган “Бегларбеги” ҳақида гапирганида, кўпинча Мавлоно Ҳофиз Тошкандий, Жалолиддин Юсуф Қашқарий, Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли, Сидқий Хондайлиқий, Лазиз Азиззода каби йирик олимлар шу мадрасада ўқишганини айтар эди. Лазиз Азиззода Абдулла ота билан худди ака-укадек қадрдон бўлганига гувоҳман. У киши Абдулла отадан етти ёш катта бўлгани боис “укам” деб чақирарди.

Ёш бўлса-да, илмга ихлоси баланд Абдулла китобни жондилдан севарди, илк хизматини атайлаб 1920 йили Эски Жўвадаги “Турон” кутубхонасида бошлаган. Ўша вақтлари кутубхонанинг нодир асарлар тўпланган “Қўлёмалар бўлими” бор

эди. Абдулла Носиров ушбу китоблардан фойдаланиш учун келган талаба ва тадқиқотчиларга беназир ёрдам қўлини чўзарди. Бу борада араб, форс ва туркий тилларни яхши билган, илмда азим дарё каби устози Сидқий Хондайлиқийдан кўҳна ёзувлар ва хаттотлик сирларини ўргангани, одамийликдан сабоқ олгани унга жуда қўл келди.

Абдулла Носиров ўша йиллари турли асрларда яшаб ижод этган бир юз қирқ уч шоир, қирқ нафар олим ҳақида қимматли маълумотлар тўпланган «Биликот» асарини тасниф этади. Бу асар сўзсиз катта изланишлар натижасида юзага келган эди.

«Турон» кутубхонасида ишлаб юрган кезларимда бўлган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди, — деб хотирлаган эди Абдулла Носиров. — Кутубхонага элимизнинг ардоқли фарзанди, машҳур адиб Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ҳам тез-тез келиб, мендан китоб олиб турар эди. Ана шундай учрашувлар ва самимий мулоқотлар туфайли у киши билан яқиндан танишиб олдим. Абдулла Қодирий камоли ҳурматлари баландлигидан менга исмим билан эмас, илм соҳиби деган маънода «Махдум жаноблари» деб мурожаат қилардилар. Бир куни: «Махдум жаноблари, вақтингиз бўлса, рўмонимни бир кўздан кечириб берсангиз, қўлёмани олиб қолиб, нашриётга нусха топширсам», деб илтимос қилдилар. Мамнуният билан илтимосларини қабул этиб, ишга киришдим. Бу «Ўткан кунлар» романи эди. Хизматим эвазига Абдулла Қодирийдан олган қалам ҳақимга ўшанда радио сотиб олганман».

Абдулла ота кўп вақт Тошкент вилояти «Турон» кутубхонасида, сўнг Алишер Наво-



ий номидаги давлат халқ кутубхонасида ишлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институти ташкил топгач, (ҳозирги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти) ушбу фан даргоҳига хизматга ўтди ва умрининг охирига қадар самарали меҳнат қилди. Қўлёзма китобларда мундарижа бўлмагани боис улардан фойдаланиш, бирор шахс ёхуд воқеа ҳақида маълумот топиш учун узоқ изланиш, талай тер тўкишга тўғри келарди. Бу жараёни осонлаштириш чораси топилмасмикин, деган жумбоқ Абдулла отани кўп ўйлантирарди. Шу мақсадда отахон тавсифлаш учун қўлига олган ҳар бир қўлёзма асарни нечоғли оғир бўлмасин, синчиклаб ўрганиб, қўлёзманинг қайси саҳифасида қандай маълумот борлиги ҳақида махсус қайдномалар туза бошлади. Уларни эса, хаттотлар Усмон Каримов, Нури Йўлдошева ва Флора Раҳмонбоевалар бошқа алоҳида варақларга кўчиришди. Бу варақларни муқовасозлар тикиб китобга айлантириб боришди. Абдулла ота юздан ортиқ нодир қўлёзмани шу йўл билан тиклаб, изоҳлар билан бойитди.

Ушбу асарларнинг ҳар бир жилди алоҳида соҳага, у ёки бу аллома ҳаёти ва фаолиятига бағишланган эди. Масалан, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Асириддин Ахсикатий, Қафқол Шоший, Алишер Навоий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Дурбек, Атоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат ва бошқа сиймолар ҳаёти ҳамда асарларига доир шундай жилдлар тузилган.

Арабий ёзувлар билимдони Абдулла ота вилоятлардаги қадим ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларида ҳам иштирок этган. Жумладан, Самарқанддаги қатор



обидаларни тиклаш ва таъмирлашда қатнашиб, мураккаб услубларда битилган ва лекин бизга етиб келгунича қарийб ўқиб бўлмайдиган ҳолга тушган ёки буткул ўчиб кетган битикларни қайта тиклашда машҳур хаттот Абдуқодир Муродов билан бирга кат-

та ишлар қилишган. Фикримиз далили сифатида Амир Темуր мақбараси билан боғлиқ воқеани эслаш кифоя. Мақбарани таъмирлашда, асосий пештоқдаги, шунингдек, ички ва ташқи битикларни ҳам тиклашда қийинчилик туғилган. Гўри Амир қурилишига доир ҳеч қандай ёзма ҳужжат сақланиб қолмагани ечиб бўлмайдиган муаммо бўлиб турар, битикларни тиклаш эса жуда зарур эди. Шундай мураккаб шароитда ҳам Абдулла ота ёзувларни тиклашдан умид узмайди. Кеча-кундуз шу тўғрида бош қотиради. Шундай кунларнинг бирида толиқиб, ухлаган Абдулла ота мазкур мақбарани бунёд этган меъмор сиймосини туш кўради. У ўчиб кетган битикларни Абдулла отага тўлиқ айтиб беради. Бу ҳол тиришқоқ Абдулла ота учун айни муддао эди. Шундан кейин ишлар юришиб, ниҳоят: “Ушбу бинони бунёд этган меъмор Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Банно Исфохонийдир”, деган ёзув қайта тикланади. Абдулла ота бу воқеани менга бундан қирқ йилча олдин гапириб берган эдилар.

Абдулла ота Носиров илм соҳасида ҳам самарали меҳнат қилган. У “Ўртаосиёлик қирқ олим”, “Али Кушчи”, “Аҳмад Фарғоний”, “Алишер Навоий қўлёзмалари фихристи”, “Тошкент тарихида баъзи сиймолар” деган бир қанча рисоалар ёзди. Турли олимлар билан ҳамкорликда ёзилган “Ақл Қаъбаси”, “Ҳофиз Кўйкий ким бўлган?”, “Ўрта Осиё ва араб маданияти”, “Табобатнинг ноёб мероси” каби кўплаб илмий мақолалари илм-фан ва маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Абдулла отанинг ибратли ҳаёт йўли ва меҳнатлари таҳсинга лойиқ. У киши “Ҳурмат белгиси” ордени, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Мана, йигирма йилдан бери Абдулла ота орамизда йўқ. Лекин унинг асарлари ва мақолаларини, шарқшунослик институти жамғармасини бойитишдаги катта хизматларини илм ихлосмандлари сира унутишмайди, олимнинг хотираси қалбларимизда мудом эъзозланади.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

Дилором СУЛАЙМОНОВА,

Гематология ва қон қуйиш илмий-текишириш институти
болалар бўлими шифокори, тиббиёт фанлари доктори

АСОРАТИ ОҒИР КАСАЛЛИК



** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё аҳолисининг қирқ фоиз аҳолиси анемия (камқонлик хасталиги)дан азият чекади. Етмиш беш фоиз ҳолатда хасталик темир танқислиги туфайли юзага келган.*

** Жаҳоннинг икки юздан ортиқ мамлакатидан атиги қирқ саккизтасида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ун темир моддаси, витаминлар қўшиб бойитилмоқда.*

** Ўзбекистонда фақат биринчи навли ун бойитилади. Шу ундан тайёрланган нон соғлиқ учун фойдали.*

Камқонлик асосан туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болалар ўртасида кенг тарқалган. Камқонликка дучор бўлган аёллар ва болаларда касаллик ва ўлим кўрсаткичлари саккиз-ўн баробар юқори бўлади, болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши пасаяди.

Касалликни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан

бири аёллар ва болалар аъзоларида темир моддасининг етишмаслигидир. Уларда бу моддага эҳтиёж эркакларникига нисбатан уч-беш баробар кўпроқ бўлади. Болаларда темир етишмаслигига олиб келувчи сабаблар бир неча ҳолатда кузатилади: онанинг ҳомиладорлик ва эмизиш даврида камқон бўлиши, бола чала ёки кам вазн билан туғилиши, кўкрак сути билан боқилмагани, сурункали касалликка чалиниши, гижжалар бўлиши, пала-партиш овқатланиши кабилар.

Аёлларнинг ҳайзда кўп қон йўқотиши (ҳайз тўрт-беш кундан ортиқ бўлса), ҳомиладорлик ва туғиш оралиғи уч йилдан кам бўлиши, сурункали ошқозон-ичак касалликлари, тартибсиз, тўймай овқатланиши темир етишмаслигига сабаб бўлади.

Камқонликнинг асорати жуда хавфли. Аёлларда туғиш жараёнида қон кетиши ва бошқа асоратлар келиб чиқиши, бола чала туғилиши ёки енгил бўлишига, туғма нуқсонли бўлиб қолишига, иммунитетнинг пасайишига олиб келади. Шу сабабли болалар ва аёллар кўп касалланишади. Камқонлик болаларни ва ўсмирларни жисмоний, ақлий ривожланишдан, иш ва ўқиш қобилияти ўсишидан тўсади. Камқонлик асоратларини йўқотиш анча қийин. Баъзида йўқотишнинг иложи ҳам бўлмайди. Натижада одам ақлий ва жисмоний ривожланиши пасаяди, сурункали ошқозон-ичак касалликларига чалинади. Кам-

рункали ошқозон-ичак касалликлари, тартибсиз, тўймай овқатланиши темир етишмаслигига сабаб бўлади.





қонликнинг оғир даражасида шифохонада ётиб даволаниш керак. Беморга ҳар хил муолажалар ва қон қуйиш зарур бўлади, даволаниш камида уч-олти ой давом этади. Кўпинча аёллар даволанишни охирига етказмаганлари боис асоратлари қолади, хасталик қайталанadi, сурункали бўлиб қолади.

Тўғри овқатланиш темир етишмаслигининг олдини олишда энг муҳим омил. Аксарият муаммолар овқатланишнинг оддий қоидаларига риоя этмаслигимиздан келиб чиқади! Таркибида темир моддаси ва турли витаминлар мўл бўлган мол ва қўй гўшти, жигари ва буйраги, балиқ, нўхат, ловия, жўхори, гречка, майиз, макарон истеъмол қилиш керак. Чой, кофени камроқ ичиш зарур. Чунки улар овқатдаги темир моддасининг сўрилишига ҳалақит беради. Олма, анор, узум, сабзи, тарвуз, қовун, помидор, карам, қизилча, қатиқ, сузма, тузламалар темир моддасининг яхшироқ сўрилишини таъминлайди. Ҳўл мевалар, сабзавотлар, кўкатлар (С витамини орқали) темир сўрилишини тўрт баробар оширади. Дуккакли ўсимликлар, ёрмалар темир моддасига бой. Шакар ва бошқа ҳар хил

ширинликлар қонни кўпайтирмайди, уларда темир ва витаминлар йўқ, аксинча, иштаҳани пасайтиради, гижжаларни кўпайтиради.

Танада темир етишмаслиги белгиларидан бири таъм ва ҳид сезишнинг бузилишидир. Бундай беморлар бўр, шам-

ма, кесак, хамир, пиширилмаган макарон, гуруч, қоғоз ва бошқа нарсаларни ейишади, бўёқ, ацетон, бензин, тутун, зах ҳидларни ёқтиришади. Тирноқлари мўрт, гадир-будир, юпқа бўлади, қийшайиб, тез уваланиб кетади. Хотираси пасаяди, иш қобилияти ва иштаҳаси сусаяди, бош айланади, камқувват бўлади, тез чарчайди. Камқонликнинг оғир даражасида беморларнинг ранги оқариб, тез-тез касалланиб туради, юрагида ҳам ўзгаришлар юз беради.

Аввало, тўғри (тартибли) овқатланиб, танада темир етишмаслигининг олдини олиш зарур. Темир билан бойитилган ун ва ун маҳсулотларини истеъмол қилиш керак. Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, бир ёшдан ўтган болалар ҳафтада бир марта бир дона (60 мг), ҳомиладорлар икки дона (120 мг), олти ойдан бир ёшгача бўлган болалар 30 мг темир препарати қабул қилишлари мақсадга мувофиқ. Шунда танадаги темир етишмовчилиги аста-секин йўқолади. Камқонлик авж олмайди.

Ҳозир мутахассислар камқонликка қарши уч асосий йўналишда кураш олиб боришяпти. Биринчиси – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

биринчи навли унга витаминлар, темир моддаси, фоллий кислотаси ва бошқа моддалар қўшиб, бойитилмоқда. Аслида шу моддаларнинг барчаси буғдойда мавжуд, бироқ ишлов бериш жараёнида уларнинг аксарияти йўқолиб кетади. Иккинчиси – аҳолининг темир препаратларини мунтазам ва кўрсатилган меъёردа истеъмол қилиши. Ҳозиргача тўрт ярим миллион аёл ва болага темир препаратлари бепул тарқатилди. Учинчиси – омма орасида тўғри овқатланиш маданиятини тарғиб этиш. Кўпчилик эътибор бермайдиган бир ҳолат ҳақида гапирсам: овқат пайтида ҳаммиша чой ёки қаҳва ичамиз. Иккаласи ҳам овқатдаги темир моддасининг танада сўрилишига тўсқинлик қилади. Овқатлангач, ўттиз дақиқа ёки ундан ҳам кўпроқ вақтдан сўнг чой ичса бўлади. Чой ўрнига қайнаган ёки маъданли сув, мева шарбатлари, наъматак ёки қуруқ мева дамламаларини ичиш фойдали.



ДОНИШМАНД

Жаҳон адабиёти хазинаси-ни гўзал асарлари билан бе-заган ижодкорларнинг инсо-ният тарихида мақоми юк-сак. Уларнинг доно фикрла-ри эзгулик йўлини ёритувчи нур, турмушда дастурила-малдир.

Маълумки, олмонлар Гёте, руслар Толстой билан фахрланишади. Ўзбек милла-ти эса мутафаккир Алишер Навоийни эъзозлайди, беш асрдан бери унинг адабий меросидан баҳра олади, ба-дий тафаккуридан ҳайрат-га тушади.

Алишер Навоий чин маъ-нода мутафаккир, улкан бир донишманддир. Умрининг охирида ёзган «Маҳбубул қулуб» («Қалблар севгили-си») асарининг ўзиёқ бу ожизона қарашимизни тас-диқлайди. Зеро, инсон қал-бидан, маънавий-руҳий ола-мига доир ҳолатлардан баҳс юритиб, абадиятга дахлдор муносиб сўз айтиш ҳар ким-нинг ҳам қўлидан келавер-майди.

Истиклол йиллари «Маҳ-бубул қулуб» тўла қайта нашр қилинди (Алишер Навоий. *Му-камал асарлар тўплами. Йи-гирма жилдлик. Ун тўртинчи жилд. Т., 1998.*) Совет замо-нида коммунистча мафкура талаби билан нашр қилинган нусхаларда Аллоҳ таолога ҳамд, Пайғамбаримизга (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам) наът қисмлари, шунингдек, «Имомлар зикрида», «Муаз-зинлар зикрда», «Ҳуффозлар (Куръонни ёд олганлар) зик-рида», сингари фасллари олиб ташлаб чоп этилган эди. «Маҳбубул қулуб»нинг қайта тўлиқ нашрида ана шу фасл-лар тикланган. Бугунги ки-тобхон Алишер Навоийнинг маънавий оламидан айро та-саввур қилиб бўлмайдиган ҳақиқатни – шоирнинг Ис-лом дини аҳқомларига таал-луқли қарашларини ҳам би-

либ олади. Алишер Навоий бир ўринда муаззин чирой-ли овоз билан азон айтиши лозимлигини таъкидлайди, чунки бу нидо ёмон одам-ларни ҳам масжид сари чор-лайди. Бу ҳол илоннинг яхши сўз билан инидан чиққанига ўхшайди, деган фикрни ай-тади шоир.

Алишер Навоий қайси ма-салани муҳокама қилмасин, руҳият табиби сифатида дил касалликлари учун дармон-дорилар тавсия қилади. Ҳар бир масалада биров инкор қила олмайдиган жуда ўрин-ли ташхис қўяди.

Шоирларни «назм гулис-тонининг хушнағма қушла-ри» деб таърифлар экан, уларни истейдод даражалари-га қараб бир неча гуруҳга ажратади. «Илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойиган ва халқнинг таъри-фига эҳтиёж сезмаган, қила-диган ишлари маънолар ха-зинасидан жавоҳирлар йиғ-моқ ва у жавоҳирларни эл эз-гулиги учун назм ипига тер-моқ» бўлган шоирларни энг юксак бир ўринга қўяди. Алишер Навоий сўз қадри-ни ҳам, ўз қадрини ҳам бил-ган сўз заргарларини ниҳо-ятда улуғлайди. Айни пайт-да, гўё шоирлик йўлига кир-ган, «юз машаққат билан бир байт» тўқигач, «шоирлик даъвосини етти қават осмон-дан ҳам ошириб» юборадиган хаваскорлар тоифасини энг паст табақа сифатида таърифлайди. «Булардан баъ-зилар бирор ёқимли маъно-ли нарса тўқиса, ўнларча ёқимсиз даъвою манманлик билан уни ҳам йўққа чиқа-радилар... Қизиги, бу тоифа шоирларнинг кўпчилиги-нинг шеърида маъно озроқ ва шоирлик даъволари кўпроқдир».

Ҳар хил тоифа ва касб-кордаги одамларнинг таби-атида баҳо берар экан, яхши

фееълнинг соғлом эътиқод ҳамда ақл самараси эканини, ёмонликлар турли маънавий касалликлар натижасида пайдо бўлишини айтади. Комилликка даъват, нафс тарбияси, сабр-қаноатга чақириш Алишер Навоийнинг кўп асарларида такрор ва такрор келади. Инсон зоти шошилса, ишларини чала бажаради. Оқибатда кулгига қолади, одамларнинг ишончини йўқотади. Устоз бўлса, талабалари олдида мулзам бўлади. Агар табиб бўлса, хастани даволаш ўрнига, ўлим тўшагига михлайди. Шунинг учун Улуғ шоир ҳар ишда сабр-қаноат лозимлигини, сабр туйфайли кўпгина мушкулнинг осон ечилишини уқтиради ва куйидаги байтни келтиради:

*Ҳар кимсаки, айламас ошукмоқни хаёл,
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.*

Бу ўринда шоир ипак қурти ва асаларининг сабр-тоқат билан қилган меҳнати оқибати нақадар хайрли эканини назарда тутаётганини алоҳида шарҳлашга эҳтиёж йўқ.

Яхши сўз жон озиғи. Шоир ширин муомала, ширин сўзнинг фойдаси хусусида тўхталиб:

*Хуш сўзга ким ўлса масту бехуш,
Шарбат аро заҳрни қилур нўш,*

дейди. Агар одамнинг тили аччиқ бўлса, тайёрлаган ширин таоми заҳарга, ширин сўзли бўлса, заҳари тотли шарбатга айланади. Алишер Навоий, айниқса, инсон жисмидаги касалликларни даволовчи табиблар «мулоимсўз ва бемор кўнглини кўтарувчи, андешали, хушфееъл бўлмоғи» лозимлигини таъкидлайди. Табиб ўз ишининг чинакам устаси бўлса, «унинг ҳар бир нафаси беморларга даво; ҳар бир қадами хасталарга шифодир». Яна таъкидлаб, бундай дейди: «Табиб агар ўз касбида моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфееъл, бепарво ва кўполсўз бўлса, беморни қанча муолажа қилганида ҳам, барибир унинг мизожида ўзгариш пайдо қила олмайди. Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллоднинг шогирдига ўхшайди».

Бу каби ҳикматлар, насиҳат ва ҳақиқатлар улуғ шоир, донишмандлар даҳоси Алишер Навоий хазинаси жавоҳиридан бир нишона холос. Улар ҳар қандай соҳа эгасининг ақлига руҳий қувват беради. Ёзини англашга, ўз борлиғига назар ташлашга ундайди. Инсонни такаббурлик ва манманлик иллатларидан халос этиб, камтарлик, меҳроқибат, саховат ва муруват каби фазилатларни қалбига сингдиради.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори

Фозил ЗОҲИД

Қариликда ҳикмат кўп

Дард ёмони қарилик эмиш,
Бу сўз менга туюлар эриш.
Қариликда сир кўп, ҳикмат кўп.
Ҳақиқатга керак тан бериш.

Хато бўлмас, бор асоси ҳам,
Дард яхшиси – қарилик десам.
Эҳсон учун вожиб шукрона:
Раво кўрди бу дардни Эгам.

Шу дард сабаб тирикман ҳамон,
Ер устида юрибман омон.
Авф этинг сал кейинроқ борсам,
Мендан бурун кетган ёр-ёрон.

Қарилик – дард яхшиси бешак,
Чунки Раҳмон лутфидан дарак.
Нур устига нур узоқ ёшга –
Эзгу ишлар бўлса муштарақ.

Қариликни Аллоҳим берган,
Алмаш десанг, ёшликка бермам.
Дард яхшиси кейин десангиз,
Жавоб аниқ – қарилик дерман.

Шу дард боис қайта туғилдим.
Ҳаёт қасри узра туғ илдим.
Қизим – она, отадир – ўғлим,
Мен уларнинг эркаси бўлдим.

Покланишга Ҳақ муҳлат берди,
Ювай кетсин ғубор – гарди.
Ишқингни сол қалбимга, Мавлом,
Қариларнинг қил жавонмарди.



ҚАНД КАСАЛЛИГИ

Қадимий тиб китобларида қанд касаллиги ҳақида кўп маълумотлар берилган. Абу Али ибн Сино бу касалликнинг қатор даво чораларини таклиф қилган. “Тибби Акбар” китоби муаллифи Муҳаммад Акбар қаттиқ жисмоний ҳаракат, жинсий алоқа ва ҳаммомдан сўнг совуқ ичимликлар ичишни бу касалликни пайдо қилувчи омил сифатида қайд этади.

Айрим мутахассислар, қанд касаллиги қаттиқ кўрқиниш натижаси, дейишади. Дарҳақиқат, қаттиқ кўрқиниш оқибатида танадаги қон жигар ичига тортилади ва совиб, қуюқлашиб қолади. Бу ҳол ўз навбатида, қанд касаллигига олиб боради.

Қанд касаллигининг аломатлари

Қанд касаллиги пайдо бўлиш аломатларига кўра икки хил бўлади. Совуқ қандда кўп чанқаш ва пешобнинг оқариши, иссиқ қандга чалинган беморларда эса, кўп чанқаш билан бирга, пешобнинг қизариши кузатилади.

Қуйида баён этилган муолажалар одамлар кўп чалинадиган совуқ қанд касаллигидан шифо топишда яхши самара беради:

– эзилмаган долчинни шимиб юриш ёки майдаланган долчин куқунини бир кунда уч марта бир чой қошиқдан истеъмол қилиш;

– чанқганида кам сув ичиш, жумладан, бўйни тор идиш ёрдамида томоқни хўллаш билан чекланиш;

– нон ва нон маҳсулотларини кам истеъмол қилиш. Истеъмол қилган тақдирда арпабодиён (фенхел) қайнатмасида қорилган хамирдан тайёрланган нон ейиш ёки ширмон кулча (бундай кулча арпабодиён ва нўхат суви ёрдамида тайёрланади) истеъмол қилиш;

– нўхат солиб тайёрланган (жумладан, нўхат шўрва) таомларни кўпроқ ейиш;

– парранда гўштини (айниқса, қовурилганини) кўпроқ ейиш;

– нон ўрнида буғлаб пиширилган гуручни кўпроқ истеъмол қилиш;

– қўзи гўшти, сабзи, карам, турп, шолғом солиб тайёрланган таомларни, ёнғоқ, pista, бодом сингари мағизли озиқ маҳсулотларини, саримсоқ ва пиёзни (аммо иккаласини бир пайтда эмас) кўпроқ ейиш;

– чанқоқ босганида сирка истеъмол қилиш. Бироқ сирканинг меъеридан

ортиғи, аксинча, қандга мубтало қилиши мумкин;

– совуқ сув, муздай ичимликлар, қовоқ, ловия, мош, бақлажон, булғор қалампири каби танадаги совуқликни оширувчи маҳсулотларни истеъмол қилишдан тийилиш;

– қанд, шакар, майиз, қовун, тарвуз каби таркибида шакари кўп бўлган озиқларни кам ейиш;

– аксинча, шўр сувга кириш, жавзо ва саратонда иссиқ кумга кўмилиш қанддан халос бўлишда фойдали;

– қимрон (туя сути), бодринг, помидор кабиларни истеъмол қилиш ҳам фойдали.

Халқ табобатида қаттиқ зардоби ичиш, хом пиёзга сирка аралаштириб овқат билан бирга истеъмол қилиш, саримсоқни ёғда пишириб ейиш кабилар ҳам қанддан халос бўлиш воситалари сифатида тавсия этилади.*

Абдулғафур Раззоқ
БУХОРИЙ
тайёрлади

* «Нақшбандия» журнали, 2009, 1-сон

